



Ж.Б.ЭРГАШЕВ

# МАТЕМАТИКАНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕГРАТИВ ЁНДОШУВ

11×22+8(  $\sqrt{2}$  ) $x$  > 1/10 < DIAMETER  $\sqrt{2+2+5+2} = \sqrt{10}$   $\frac{\pi}{10}(\sqrt{95})$

$\sum_{n=1}^{145} -57 < \sqrt{14261(135-n)} 8(\sqrt{n})$   $\text{есепшо} + \frac{1}{2} \times \frac{2/46}{\sqrt{95}} \times 125 \left(\frac{65}{227}\right) \frac{69}{713} = 4$

$\text{аср} = (\frac{1}{10})^2 \sqrt{99}(1) \quad \left(\frac{1}{2} + \frac{1}{2}\right) \frac{22}{203} \left(\frac{9}{87}\right)^2 \sqrt{95} / 125 \left(\frac{65}{227}\right) \frac{69}{713} = 4$

$09 \frac{75^\circ}{3} < 626 > (C) \quad 108/199 P = 55 \left(\frac{6}{275}\right) + \frac{\pi}{\text{z axis}} \sqrt{3/4} = 0 \frac{7529}{100}$

$(y-1) = f(x)(\text{mac}) = f(x-22) = \int_{\text{arv}}(?) z+y=c \leq z \quad 9 + \text{on } 11 = P_0$

$\frac{(1)}{R^2} = \frac{Kie}{hr} \quad \left\{ \begin{array}{l} \frac{+5}{95} \sqrt{9500}(4) + \left(\frac{9}{10}\right) = (\sqrt{95})(-\frac{5}{9}) \\ 24909 \end{array} \right. \text{закш}$

$\frac{(1)}{R^2} = \frac{47}{95} \sqrt{9/10} = (C/2)$

$= \frac{89}{95} \text{ 1000 морен } \times \text{ балл } y$

$0) < + + \frac{125}{7385} ) = \frac{2}{14P} \frac{9}{10} (-) \quad \frac{1}{10} \geq \left( \frac{\text{елбис}}{\text{мортис}} \right)$

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Ж.Б.ЭРГАШЕВ

МАТЕМАТИКАНИ  
ЎҚИТИШДА ИНТЕГРАТИВ  
ЁНДОШУВ

ТОШКЕНТ – 2016

УЎК: 377.5:51

КБК 74.262.21

Э-74

- Э-74      **Ж.Б. Эргашев. Математикани ўқитиша интегратив ёндошув. Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 152 бет.**

**ISBN 978-9943-4719-4-8**

Ушбу монография ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланиб касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари интеграциясини ташкил этиш механизмларини яратишга бағищланган.

Монография умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касбхунар коллежлари математика фани ўқитувчилари, педагогика олий таълим муассасалари математика ўқитиши методикаси таълим йўналиши бакалавриат ва магистратура босқичларида таълим олаётган талабалар ва шу йўналишида илмий-тадқиқот олиб бораётган катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчиларга мўлжалланган.

**УЎК: 377.5:51**

**КБК 74.262.21**

*Масъул мухаррир:*

**У.Ю.Олдашев – техника филлари доктори, профессор**

*Тақризчилар:*

**М.Мамаражабов – педагогика фанлари номзоди, доцент;**

**О.Абдуллаев – физика-математика фанлари номзоди, доцент.**

*Ушбу монография Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти Илмий кенгашининг 2015 йил 26 декабрдаги З-соили қарори билан томонидан нашрга тавсия этилган.*

**ISBN 978-9943-4719-4-8**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.

---

## КИРИШ

Жамиятнинг тез суръатлар билан ривожланиши, унинг глобаллашуви, ахборот оқими ва ахборот-коммуникация технологияларининг тез суръатларда ривожланиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, жумладан, таълим соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказяпти. Бу эса таълим мазмуни, ўқитиш методлари ва технологияларига ўзгаришлар киритишни талаб этмоқда. Айниқса, таълим мазмунини интегратив ёндошув асосида мунтазам янгилаб бориш, муҳим стратегик масалалардан бири ҳисобланади. Бунда XXI аср (интеллектуал аср, ахборот технологиялар асри) ушбу муаммони долзарблиги яққол ажралиб туради.

Чунки, жамият ривожида жамиятни бошқариш, такомиллаштириш ва ривожлантириш учун мавжуд билимларни тизимлаштириш, янги билимларни ўзлаштириш ва ундан фойдалана билишини таъминлайдиган ахборот технологиялари муҳим ўрин тутади. Ахборотни тўплаш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва фойдаланиш методлари, воситаларини кенг миқёсда қўллаш ва ривожлантиришдан иборат бўлган жамиятни ахборотлаштиришга олиб келади. Бу муаммога ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор билан қарала бошланди. Жумладан, 2002 йил 30 майда Узбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижросини амалга ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «2002 - 2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги Қарори эълон қилинди. Бу фармон ва қарорларнинг асосий концепцияси эса таълимга ахборот технологияларини жадал тадбиқ этиш, таълим жараёнини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш етакчи педагогик-услубий гояга айланди.

Таълим мақсадларини давр талабларига мос равишда мунтазам янгиланиб бориши ва узлуксиз бойитилиши, таълим мазмунининг янги моделларини танлаш учун асос бўладиган устувор йўналиш ҳисобланади. Таълим муассасаларида ўкув жараёнининг характеристи, методлари, ташкилий шакллари ҳамда

воситаларини англашга бўлган эҳтиёжнинг кучайишини, биринчи навбатда, ижтимоий-иктисодий, илмий-техникавий, технологик омиллар тақозо қилмокда. Айни пайтда таълим мазмунида шахс, жамият, фан ва техника, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари чамбарчас боғланган ҳолда ўз ифодасини топишини «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Фан-техника ва технологияларнинг жадал тараққиёти туфайли илмий ахборотлар кўлами кескин ошаётган бугунги кунда таълим соҳасини замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш назарияси ва амалиёти билан таъминлаш тобора фаоллашмокда. Шу боис, бугунги кунда ўқув жараёнига ахборот - коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Республикамиз ва хорижда тўпланган тажрибаларни ўрганиш ва оммавий-лаштириш масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масаланинг ечими эса ўз навбатида таълим, фан-техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг ягона интеграциялашган тизимини ташкил этишни талаб этади. Чунки, Республикамизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги туб ислоҳотларнинг бош мақсади шунга ҳам интегратив ёндошувга қаратилган.

Таълимни интеграциялаш, унинг илмий-методик асосларини тадқиқ этиш, шакл ва методларини ишлаб чиқиш давлат таълим стандарти ва узлуксиз таълим тизими билан боғлиқ бўлган давлат аҳамиятига молик долзарб масаладир.

Жамият ривожининг инсон фаолиятида глобаллашуви, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш, жамиятни ахборотлаштириш ва мамлакатда рўй берадиган ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар билан тавсифланувчи ҳозирги босқичи олий таълим муассасалари олдига замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш масаласини кўймоқда.

Ахборот технологияларининг ўсиб борувчи аҳамияти эса олий таълим муассасалари мутахассислар тайёрлаш мазмунини ўзгартиришни талаб этади. Ҳусусан, педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда биринчи навбатда кейинги касбий фаолиятининг асосий пойдевори ҳисобланувчи математика ва йиғористика курслари мазмунларини янгилаш мухим ўрин тутади. Курслар мазмунини янгилашишида универсал математик моделлар, усуллар ва ахборот технологиялари кўйилган умумкасбий ҳарактердаги масалаларни ҳал этиш учун юқори

сифатли дастурний воситалар қўллашнинг шаклланганлиги билан асосланади.

Ушбу шароитларда эса қўйидаги иккита ўзаро бир-бири билан боғлиқ муаммолар фаоллашади.

1. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмасига эга, ўз қасбий соҳасида аниқ масалаларни оптимал қўйиш ечишга қодир дастурий мажмуалардан фойдаланувчиларни тайёрлаш.

2. Талабаларда замонавий математик моделлар ва сонли усуллари ётган дастурий мажмуаларни самарали қўллаш учун етарли математик маданиятни шакллантириш.

Математик моделлаштириш ва сонли усул имкониятлари фанлар бўйича билимларни кенгайтириш, ва чукурдаштириш, ўқитишининг амалий ва тадбиқий йўналишини кучайтиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, компьютер техникинни тизимли қўллаш кўникмаларини ишлаб чиқиш, ўқитувчилар ва талабалар фаолиятини фаоллаштириш ва бўлажак мутахассисни қасбий тайёрлашни оптималлаштиришга имкон яратади.

Математик моделларни шаҳллантириш ва сонли усулларининг амалга оширилиши математика информатика курслари орасидаги мавжуд фанлараро боғланишлар ва интеграцион жараёнларни аниқлайди, жумладан, интеграцион характеристдаги масалалар ечими ҳақидаги тасаввурларини ҳосил қиласди.

Замонавий ахборот-коммуникацион технологияларининг, мультимедиали иловаларни яратиш воситалари мавжуд бўлиб, улар ихтиёрий фан соҳасига (гуманитар, табиий, математик ва ҳоказо) осонгина фойдаланиш муносабати билан оммавий хоссаларига эга. Бу соҳада информатика ўз усуллари билан интегратив боғланишларни амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Аммо, дидактик-методик нуқтаи-назардан интегратив боғланишларни ҳосил қилиш ва бундай тизимни оптимал қўллаш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган.

Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва қасб-хунар колледжлари, олий таълим муассасалари амалиётида математикани ўқитиш жараённада фойдаланиладиган педагогик дастурий воситаларни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, улар ўқитувчиларнинг педагогик талабларига тўлақонли жавоб бера олмайди. Шунинг учун, ўқитишининг анъанавий шакл ва усулларини ахборот-коммуникация технологияларига асосланган

ўқитишига маълум бир янгилик сифатида баъзи бир методик ўзгаришларни олиб кириш лозим. Бу эса ўз навбатида, ўқитишида дастурий воситалардан фойдаланишининг педагогик ва психологик асосларини ишлаб чиқишини тақозо этади. Ушбу ишда ана шу иш муаммоларни ҳал қилиш йўллари ва усулларини ўрганиб бўлажак математика ўқитувчилари касбий тайёргарлигининг мазмунини интегратив ёндошув асосида такомиллаштириш масалалари ҳақида фикр юритилади.

Юқоридаги долзарб масалаларга бағишлиланган ушбу монография 2 бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи бобида таълимни интеграциялашнинг психолого-педагогик асослари, математика ва информатика курслари интеграциясининг муҳити ва мазмуни, унинг тузилмаси ва функциялари, интеграциясини таъминлашнинг асосий тамойиллари келтирилган. Иккинчи бобда эса математика ва информатика курслари интеграциясини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш методикаси ёритилган.

---

## **І БОБ. МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА КУРСЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИННИГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Таълимни интеграциялашнинг психологик-педагогик асослари**

«Таълим тўғрисида» ги Қонуннинг қабул қилиниши ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг амалга оширилиши билан таълим тизимини, характерини, таълим мазмунини замонавийлаштириш ва усулларини такомиллаштириш, педагог кадрларни тайёрлаш, таълим стандартларини ва уларнинг натижасини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, педагогнинг юқори ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини таъминлаш зарурати юзага келди.

Жаҳон бозоридаги интеграция, илмий-техникавий тараққиёт суръатлари таълимининг барча бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашни ва бу ҳол ўз навбатида тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарлик масалаларини ҳал этицига мажмууний ёндошувни тақозо қилмоқда [2].

Бугун янги ижтимоий-иктисодий шароитда амалдаги таълим тизимининг бозор иқтисодиёти ўзгаришлари талабларига мос келиши, ўқув жараёнини моддий - техника ва ахборот базаси билан етарли таъминлаш, таълим-тарбия жараёнини юқори малакали илмий - педагог кадрлар, сифатли ўқув - методик ва дидактик материаллар билан таъминлаш, таълим тизими билан илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро фойдали интеграцияни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бунда математика ва информатика фанларининг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз педагог олимларидан Б.М.Мирзаҳмедов, Э.О.Турдикулов, М.М.Мамадазимов, О.Қ.Қувондиков, Ю.М.Махмудов, П.Мусаев, М.Ғ.Нишонбоева, М.Р.Жуманиёзова; Д.Юнусова, М.Арипов, О.Абдуқудусов, А.И.Авазбоев, Р.Ғ.Сафарова, У.Ю.Юлдашев, А.Абдуқодиров, Н.Тойлоқов, М.Мамаражабов, А.Ҳайтов ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўқишни интегратив мазмундаги билимлар асосида ташкил этишга алоҳида ёътибор берилган.

Э.О.Турдикулов интеграцияга қуидаги таъриф берган: «Интеграция - тарқоқ, бўлак-бўлак айрим-айрим ҳолдаги нарсаларни бир бутун, яхлит, тизимлашган ҳолатга келтириш, табиат хақидаги бир бутун билимлар мажмуаси, турли фанларга оид билимларни ягона максадни ҳал этишга йўналтиришдир. У оламнинг яхлитлиги (бир бутунлиги) ни ифодалайди» [84].

Маълумки, интеграция (инглизча «*integratio*» сўзидан олинган бўлиб-қисмларнинг тикланиши, бирлашиши - деган маънони англатади) айрим бўлакларнинг ёки элементларнинг бир-бирига кўшилиши, бир бутунга айланиши, яхлитланишидир (энциклопедик луғатдан).

Энциклопедик ва илмий адабиётларда «интеграция» атамасини турли жинсдаги қисмлар ва элементларни бир бутунга бирлаштириш билан боғланган ривожланиш жараёни сифатида тушунилади. Математик фанлар интеграцияси, хусусан уларнинг таркиби бир-бирига ўтиши ва ўзаро алоқасини англатади. Мактаб математика фанлари интеграциясига оид муаммоларнинг таҳлили, асосан ички ва фанлараро алоқаларни амалга ошириш (И.Д.Зверов, В.Н.Максимова, В.Н.Федорова, В.А.Гудев, В.А.Далингер, В.М.Монахов, Н.Ф.Борисенко, Т.Р.Тўлаганов, А.Л.Мусурманов, А.А.Саломов ва бошқалар) интегратив курслар ишланмасини яратиш (Л.И.Азевич, В.Ф.Бутузов, Ю.М.Колягин, Г.Л.Луканкин ва бошқалар) амалий йўналишни кучайтириш (Н.Р.Файбулаев, Н.А.Терешин, И.М.Шапиро, Н.О.Эшпўлатов ва бошқалар), дидактик бирликларга келтириш (Г.И.Саранцев, П.М. Эрдниев, Б.П. Эрдниев ва бошқалар), математик таълимда изчиликни таъминлаш (Ю.М.Колягин, Л.Ю. Нестерова, Н.О.Алимов ва бошқалар) каби услубий математик йўналишлар доирасида амалга оширилган. Аммо, ушбу ишларнинг кўпларида мактаб математика курсини баён қилишнинг назарий ёндошуви мавжуд бўлиб, асосий эътибор геометрик шакл алмаштиришлар методини, координаталар методини, векторлар методини ўрганишга қаратилган. Алгебра ва геометрия ўртасида алоқа асосан, геометрик масалаларни ечишда аналитик усулни қўллаш орқали ўрнатилган.

Ўз даврининг буюк дидакти Я.А.Коменский: - «Ўзаро алоқадаги жамийки нарса, худди шу алоқада ўрганилиши керак» - деб таъкидлаган эди [54]. Кейинроқ кўплаб педагоглар бу foяга мурожаат қилиб, уни ривожлантириди ва умумлантирилар. И.Г.Песталоцци ўкув фанлар ўзаро боғланишларининг турли

туманлигини очишда: - «Ўз онгингда, моҳиятига кўра, барча ўзаро боғланган фанларни, улар табиатда ҳақиқатдан қандай алоқада бўлса, айнан шундай алоқага келтириш керак» - деган талаб қўйган [76].

Интегратив дарслар ишланимасини ишлаб чиқишида П.Ф.Федорец интегратив тематик ёндошувни тавсия қиласди. Интегратив тематик ёндошувда таълим жараёнининг таркибий, методик ва ташкилий бирлиги деб дарс эмас, балки ўқув фаннинг ўзи ёки унинг бўлими олинади. Интегратив-тематик ёндошув, муаллифнинг фикрича, ўрганилаётган мавзу, ўқув фанининг бошқа мавзулари билан боғланган бўлиши ёки бошқа фан мавзулари билан боғанишни ўрнатиш, бошқача айтганда, ўрганилаётган мавзу бўйича бир вактнинг ўзида фанлараро, фан ичидаги алоқаларни аниқлашга имкон беради [89].

И.Коложвари ва Л.Сечимковаларнинг фикрича, интеграция даражаси фақатгина интегратив масалалар ёрдамида аниқланади. Бу биринчи навбатда, интегратив курсдаги у ёки бу масала бўйича ҳосил қилинадиган умум ўқув кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёни билан билишга бўлган қизиқиши интенсификациясидир [55].

А.В.Золотарева умумий ва қўшимча таълимда интеграция жараёнини бошқаришни бир нечта жиҳатларда кўриб чиқсан:

Биринчидан, интеграция - бу ҳар хил таълим муассасаларининг умумий таълим доирасида ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамлиги, тартибланганлиги билан характерланувчи, ҳамда бундай ҳолатга эришишни таъминловчи жараён.

Иккинчидан, у субъектлар (талабалар, уларнинг ота-онаси ва ўқитувчилари) фаолияти даражасида намоён бўлади. Ўқув режалари ва таълим дастурлари даражасида интеграцияни ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади, яъни, ўқитувчиларга талаба онгига оламнинг яхлит манзарасини шакллантиришга, янги концепцияларни ишлаб чиқишига, таълимнинг янги мақсадлари, мазмуни, шакллари ва методларини аниқлашга имкон беради.

Учинчидан, интеграция ички (муассасалар ичидаги) ва ташки (битта муассасадан ташқарида) бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, интеграция - тизимини яхлитликка олиб борувчи муҳим кўрсаткичиидир. Фақат яхлит бўлган таълимий муҳитдагина мукаммал шахс шаклланади [38].

Педагогик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, интегратив таълим моҳияти ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Бироқ барча муаллифлар, бундай таълимнинг самарадор эканлигини ва унинг таълимга кўйилган замонавий талабларига мослигини таъкидлайдилар. Таълим интеграциясининг моҳиятини тушунтиришда, педагог ва методист олимлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамфирлик йўқ. Бу эса ўз навбатида, интеграция муаммоси ҳали етарлича тўла ишланмаганлигини кўрсатади. Интегратив дарслар тузилмасига мос у ёки бу талабларни қўядиган методик тизим тўла ишланмаганлиги эса бу борадаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Интеграция тушунчаси ривожининг семантикасини қараб чиқамиз.. XIX асрнинг охирларида ҳам европа тилларида «интеграция» сўзи фақат математик интеграллашган - деб изоҳланарди. XX асрнинг иккинчи чорагидан унинг лексик маъноси икки хил тавсифланди: математик интеграллаш; бирор нарсанинг бирлашмаси ёки катталashiши. Бу эса замонавий тилдаги интеграцияни қисмларнинг бир бутунга бирлашиши қаби одатий тушуниш, математакадаги интеграллаш атамасини радикал қайта фикрлаш натижаси деган хулоса чиқаришга имкон беради. Шунинг учун ҳам, бир томондан, ҳали интеграция сўзига математик ишлов берилмаган тарихий дастлабки маъносига, иккинчи томондан, математик атама таҳлилига мурожаат қилишга зарурат туғилади.

Юқорида айтилганидек кўплаб ишларда келтирилган лотинча «*integration*» сўзининг таржимаси-тиклаш, тўлдириш ва янғилаш деган маъноларни англатади. Ҳар ҳолда бундай таржима интеграцияни бирор - бир нарсани тиклашнинг табиий инсонга боғлиқ бўлмаган жараёни сифатида; қисмларнинг шу пайтгача мавжуд бўлмаган бутунликка табиий бирлашмаси сифатида изоҳлаш имконини беради. Аммо, «хорижий сўзлар луғати» да «*integration*» сўзини фаолият деб изоҳланган [81]. Бу фаолият ёрдамида бирор - бир нарсанинг ҳусусан жисмнинг, инсоннинг жисмоний ва маънавий ҳолатининг илгари бузилган бутунлиги, зарурий тўлдирмаси, боғланиши тикланади ва интеграллаш-аввалги кўринишга келтириш, илгари бўлган нарсани таъмир қилиш, тиклаш - деган маъноларни бериш ҳисобига юз беради.

Д.Н.Ушакованинг атамалар луғатида интеграцияга қўйидагича таъриф берилган: «Интеграция - бу тараққиёт жараёнида

элементларни ёки бўлакларни қандай бўлмасин бир бутунга бирлаштиришдир» [87].

Хорижий сўзлар луғатида бироз бошқача таъриф берилган. «Интеграция-тиклаш, бутлаш, тўлдириш маъносини англатиб, элементларни ёки қисмларни қандай бўлмасин бир бутунга бирлаштиришдир»[81].

Н.И.Кондаков интеграция атамасини, - «Интеграция қандай бўлмасин элементларни ягона бир бутунга бирлаштириш ва қандайдир яхлитликни тиклашдир»- деб таърифлайди [110].

Ю.С.Тюнниковнинг фикрича, интеграция тушунчасига тегишли бир қатор белгилар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир: - интеграция турли ўзаро алоқадаги элементлар асосида кўрилади; - интеграция ўзаро алоқадаги элементларнинг сифат ва сон ўзгариши билан боғлик; - интегратив жараён мантиқий мазмун асосига эга; - интегратив жараён ўзининг тузилмасига эга; - педагогик йуналтирилганлик ва унинг нисбатан мустақиллиги [75].

В.А.Игнатова интеграция тушунчасини қуйидагича таърифлаган: «Интеграция - бу бутун тизим сифатида ўзаро алоқада ва уларни мустаҳкам ишилашига олиб келувчи алоҳида табақалашти-р

и В.С.Безрукованинг фикрича, педагогик **интеграция** - бу илмий интеграциянинг бир кўриниши бўлиб, илмий интеграциянинг фарқли ҳусусиятларини эътиборга олган ҳолда п

е Юқоридагилардан келиб чиқиб, интеграция тушунчасининг дўйидаги маъноларини келтирамиз: интеграция-тизим ташкил ятувчи элементларнинг бирлашишини таъминловчи алоқа сифатида; интеграция - элементларнинг бошқа тизимга синтези сифатида; интеграция-ривожланаётган бутун органик тизим доирасида табақалаштирилган қисмлар бирлашмаси сифатида.

и Охирги ҳолатда, интеграция нафақат қисмларнинг функционал бирлашиши ва уларнинг ўйғунлаштирилган синтезини, балки ҳар бир қисмнинг ҳар томонлама ривожланишини ҳам англатади.

а Биз интеграция тушунчасига берилган турли хил изоҳларини ўрганиб, уларни қуйидагича умумлаштирамиз:

а Интеграция (лот. integration-тиклаш, тўлдириш ва integer-бутун, яхлит) - тизимнинг, бир бутун организмнинг бир-биридан фарқ қиливчи алоҳида бўлакларининг ўзаро боғланганлигини

я

н

в

англатувчи, ҳамда худди шу ҳолатни келтириб чиқарувчи жараён демакдир.

Таълим соҳасида интеграцияни тушунчавий аппарат тўлиқ шаклланган дейиш унча ўринли бўлмайди. Буни эса педагогик адабиётларда аниқ таърифга эга бўлмаган «таълим интеграцияси» тушунчаси билан изоҳлаш мумкин. Таълим интеграциясининг барча мавжуд таърифлари фақатгина унинг алоҳида жиҳатларини таърифлайди ва бир-биридан ажралган ҳар бир йўналиш тушунча мазмуни ҳақида тўлиқ тасаввурни бермайди:

Шу муаммолардан келиб чиқиб бугунги кунда бўлажак математика ўқитувчиларининг касбий фанлари ва умумтаълим фани информатика ва ахборот технологиялари курсларини интеграцияси унинг моҳияти, мазмуни ва ташкил этиладиган интегратив дарслар бўйича методик тизим талабларини ишлаб чиқиш зарурияти келиб чиқади. Шу нуқтаи-назардан касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари курсларини фанлараро алоқадорликда ўқитиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

## **1.2. Касбий фанлар ва информатика ва ахборот технология курсларини интеграциясининг моҳияти ва мазмуни**

Ҳозирги замон фани тараққиётининг долзарб муаммоларидан бири фанларни интеграциялашдан иборат. Фанларни интеграциялаш тенденциясини педагогик заруратга айланисини исбот қилишга, табиий, ижтимоий ва техник фанларнинг ўзаро алоқадорлигини кучайтиришга объектив асосларини очишига бугунги кунда алоҳида аҳамият берилмоқда.

Интеграция - бу, предметлааро боғланишда қўлланиладиган турли предметларни ўзаро келишилган ҳолда ўқитилишидан, уларнинг ўзаро кескин таъсирлашиш даражасига ўтиш орқали ўқитиш эканлигини яхши англаш лозим [66].

Н.Ф.Борисенко предметлааро алоқадорликнинг куйидаги турларини кўрсатади: - турли ўқув предметларида бирор маълум объектининг ўрганилишига асосланган алоқалар; - турли ўқув предметларида бирор муайян илмий методнинг қўлланилишига асосланган алоқалар; турли ўқув предметларида бирор назария (қонун) нинг қўлланилиши асосида вужудга келувчи алоқалар [26].

Манбалар таҳлили шунӣ кўрсатдики, шу вақтга қадар таълимда фан блоклари аро интеграция тушунчасига ягона таъриф

берилмаган. Шунинг учун «Фанлар интеграцияси» ва «Илмий билимлар интеграцияси» тушунчалари тенг кучли эмас. Улардан бириңчиси кенгроқ бўлиб, иккинчисини ташкилий қисм сифатида ўз ичига олади. Шунингдек «Интеграция» ва «синтез» тушунчалари ҳам табақалаштирилиб, интеграция тушунчасининг ҳажми катталашади ва синтезни ўзининг ички мазмуни жиҳатларидан бири сифатида қамраб олади.

Ю.И.Дик, А.А.Питский, В.В.Усановлар «Ўқув режаси ва уни такомиллаштириш» номли мақоласида, - «ўқув фанларини интеграциялаш, ўқув режасини ва шу билан бирга таълимнинг барча тизимларини такомиллаштиришнинг муҳим воситаси бўлиб қолади» - деб таъкидлайдилар.

Фанлараро интеграция, яъни умум таълим предметлари ва касбий фанларнинг ўзаро боғлиқликда ўқитилиши алоҳида муаммо сифатида қаралмаган. Шу нуқтаи-назардан биз қуйида бўлажак математика ўқитувчиларининг касбий фанларини ўқитишда информатика ва ахборот технологиялари ўқув режасидаги амалий дастурлар пакетидан фойдаланиб ўқитишни интегратив ёндошув асосида кўриб чиқамиз.

«*Integratio*» сўзининг маъноси ва ундан келиб чиқсан математик атамаларнинг мазмунларини таккослаш уларни тубдан фарқланишини кўрсатади.

Касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари курсларида интеграция тыйлаш сифатида - ихтиёрий бузилишлар, бутунлик ёки бирликнинг парчаланишини «йўқ қилиш» бўйича ҳаракат орқали эмас, балки онгли равишда математик билимларни келтирилган амалий пакет орқали ўtkazilgan дарсларни тушуниш сифатида тавсифланади.

Касбий фанларни интеграциялаш информатика ва ахборот технологиялари ўргасида алоқаларни ўрнатишнинг янги йўлларини излаш заруратига олиб келди. Бундай йўллардан бири – касбий фанларни ўқитишда информатика ва ахборот технологиялари курсидаги амалий дастурлар пакетини қўллаш ҳисобланади. Касбий фанларда амалий дастурлар пакети ролининг кучайтирилиши талабаларнинг ижодий фикрлашларининг ривожлантириш талабининг ўсиши билан изоҳланади, унинг асосий компонентлари кўриш, сезги ва тасаввур ҳисобланиб, улар амалий дастурлар пакетини ўзлаштириш билан узлуксиз боғлиқ. Амалий дастурлар пакетининг роли касбий фанларни ривожланишида муҳим ўрин

тутади, чунки алгебра. Геометрия ва математик таҳлил фанларини визуаллаштирилган ҳолатда ўқитиш жараёни рўй беради. Бунда амалий дастурлар пакети орқали алгебра, геометрия ва математика таҳлил фанларининг асосий мавзуларини етказиб беришда муҳим ўрин тутади.

Энди алоҳида ҳар бир фаннинг асосий моментларини кўриб чиқамиз:

1. Алгебра: алгебрадаги энг асосий мазмунни ташкил этувчи масалалардан бўлган чизиқли ва чизиқли бўлмаган тенгламалар системасини ечимга эга ёки эга эмаслиги, унинг ечимини топиш, улардан тузилган матрицанинг рангини аниқлаш, уни транспорнерлаш ва тескарисини аниқлаш, ундан тузилган детерминантни ҳисоблаш (сатр ва устунлар чекланмаган микдорда) ни информатика ва ахборот технологиялар ёрдамида етказиб бериш. Жумладан: чизиқли тенгламалар системасини ечишдаги тақрибий ҳисоблашда дастурлаш тиллардан; матрица ва детерминантлар устида барча амалларни бажариш жараёнида амалий дастурий пакетлардан фойдаланиш.

2. Геометрия: геометрик масалаларни графикларини тасвирлашда информатика ва ахборот технологиялари воситаларига тўлиқ таянган ҳолда уни визуаллаштириш.

3. Математик таҳлил: математик таҳлил фанинг энг асосий тушунчалари функция, функция графиги, функция экстремумлари, минимум ва максимумлар, функциядан ҳосила олиш, бошланғич функцияни топиш, аниқмас ва аниқ интеграл, аниқ интегралдаги текис фигура юзаси ва аниқланаётган каррали интегралдаги фигура ҳажми мавзулари бўйича информатика ва ахборот технологиялари воситалари ёрдамида ўқитиш ва уларнинг амалий тадбиқини кўриш мумкин. Бунда дастурлаш тиллари, амалий дастурлар пакети ёрдамида тайёр моделлардан фойдаланиш орқали мисол ва график имкониятларини ҳал қилиш мумкин.

Келтирилган обзор касбий фанларнинг турли бўлимларини амалий дастурлар пакети ўртасида зич боғлиқлик борлигини кўрсатади. Касбий фанларни ўқитишда амалий дастурлар пакетининг қўлланилиши олий педагогика таълим муассасаларида бўлажак математика ўқитувчиларининг фан асосларини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

Шундай қилиб, касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари интеграцияси касбий фанлар курслари ва бошқа

ўкув фанлари, шу жумладан информатика ва ахборот технологиялари ўртасидаги алоқаларни ҳамда ўзаро уйғунликни текшириш учун асос бўлади. Таълим жараёнида интеграция узлуксизликнинг стакчи ва белгиловчи асоси, изчилликнинг қуроли, фанлараро алоқаларни ҳосил қилишнинг зарурий шарти бўлиб, мақсадга йўналтирилган педагогик, илмий ва тўғри ташкиллаштирилган таълимнинг натижаси ва жараёни сифатида майдонга келади.

Касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари интеграциясининг методологик асосини, табиатда ва жамиятдаги барча ахборий жараёнлар ва ҳодисаларнинг умумий алоқаси, оламнинг моддий бирлиги ҳақидаги диалектик ҳолат ташкил этади. Бу ҳолат барча ахборий жараёнлар ва ҳодисаларни уларнинг ривожланиш жараёнидаги ўзаро алоқасида, қарама – қаршиликларнинг бирлиги ва курашида кўриб чиқилишини талаб этувчи билишнинг диалектик усулида амалга оширилади. Диалектик усул тизимли усулда аниқланади, тизимли усул эса объектларни ўзининг тузилмасида компонентлар ва элементлар ўзаро алоқасига, ҳамда ўзининг умумий хоссалари ва функцияларига эга тизимлар сифатида ўрганишни назарда тутади. Тизимли ёндошув илмий тадқиқотларга XX асрнинг 40 йилларида машҳур файласуфлар В.П.Кузьмин, В.Н.Садовский, А.И.Уемов, Э.Г.Юдик ва бошқалар томонидан киритилди ва фаол ривожланди. Предметлар ва ҳодисаларнинг мазмун ва моҳиятини тизимли текшириш - деганда шундай усул тушуниладики, унда улар қандайдир яхлит таълимнинг қисмлари ёки элементлари сифатида ўрганиш тушунилади. Энг муҳими, тизим нимани аниқлади? - бу бутунлик чегарасида қисмларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро уйғунлик даражасининг ҳолати ўрганилади. Тизимли ёндошув нуктаи-назаридан касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари интеграцияси таълими фаолиятининг янги усули сифатида намоён бўлади, унинг мақсади шахснинг ҳар томонлама ва гармоник ривожланиш жараёни, унинг билим, кўнникма ва малакалари даражасининг доимий ўсиш жараёнига эришиш ҳисобланади.

Таълимнинг анъанавий тизими жорий этилган ишлаб чиқариш ва ижтимоий шароитларда инсонни маълум функцияларини бажаришга тайёрлашга йўналтирилган. У инсоннинг жамиятда ишлаб чиқариш ва ижтимоий мослашув имкониятларини оширади; ҳар бирининг қобилияtlарига, инсоний яратувчиликнинг ички жараёнига таъсир этади; шахснинг ҳар томонлама

ривожланишига ёрдам беради. Агар олдин таълим мазмуни учун битирувчининг меҳнат фаолияти даврида мустаҳкам ўзлаштириши зарур бўлган тайёр билимлар, алгоритмларнинг бирор - бир ҳажми сифатида аниқланган бўлса, таълимнинг янги тизими нуқтаи - назаридан унинг мазмуни билимларни эгаллаш ва уларни бевосита амалда қўллаш, жараёнини назарда тутади. Талабаларга тайёр маълумотларни беришни рад этиб, уларни изланиш, ижод қилиш, кашф этиш, билимларни мустаҳкам эгаллаш усуллари ва йўлларини эгаллаш малакасига эришишни назарда тутади.

Математика ўқитиши методикаси таълим йўналиши касбий фанларини ўқитиши, касбий фаолият учун характерли ва жамиятда ишлаши учун инсонга зарур фикрлаш сифатларини шакллантириб, талабаларнинг ақлий ривожланишига катта ҳисса қўша олиш даражасида тарбиялашни назарда тутади. Математика хақида тасаввурни воқеликни билиш усули ва тасвирлаш шакли сифатида, умуминсоний маданиятнинг қисми сифатида очиб бериб, инсоннинг гуманитар маданиятини ривожлатиришига ёрдам бериши муҳим аҳамият касб этади. Касбий фанларни ўқитиши интегратив жараёнлар асосида ташкил этилгандагина бу мақсадга эришиш мумкин. Жамиятнинг ўсиши учун ўқув жараёнини шундай ташкиллаштириш керакки, бунда ўқиш жараённида ўқув режасини бажариш билан бир қаторда, берилган муддатларда барча тала-баларни битирганлик тўғрисидаги дипломлар билан таъминлабгина қолмасдан, балки мактаб ҳайтининг биринчи кунлариданоқ ўқувчиларга жамият олдида турган одатий ва янги муаммоларни ечишга янги ёндошувлар, янги имкониятлар, янги йўлларни излашни одатлантирмоқ керак. Бу вазифани ҳал этишда касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари интеграциясининг роли муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик лозим.

### **1.3. Касбий фанларни ва информатика ва ахборот технологиялари курслари интеграция функциялари ва тузилмаси**

Математика ёрдамида таълимнинг ижтимоий аҳамияти, инсоннинг жамиятда тўла тўқис ишлай олиши, жамиятнинг ҳар бир аъзосининг функционал саводхонлигини таъминлаш учун инсоннинг интеллектуал ривожланиш даражасини математика воситалари ёрдамида оширишдан иборат бўлиб, у жамиятнинг интел-

лектуал даражасини оширишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Математика, информатика ва ахборот технологиялари умумтаълим предмети сифатида намоён бўлиб, уларнинг етакчи мақсади ўсиб келаётган ёш авлодни интеллектуал тарбияси, амалий фикрлашишинг ҳаётда қўланилишини ривожлантиришдан иборат.

Касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари интеграциясининг асосий функцияларини ажратиш, интегратив жараёнларнинг моҳияти ва уларни ўқитишнинг қуйидаги асосий функциялари билан тақкослаш орқали амалга оширилади: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, эвристик, прогностик, эстетик, амалий, назоратли, ахборот, тузатувчи, тизимлаштирувчи, моделлаштирувчи, визуаллаштирувчи, гуманистик.

Буларнинг хар бирини алоҳида қараб чиқамиз:

**1. Таълимий функцияси** талабаларни касбий фанлар ва умумтаълим фанлари (информатика ва ахборот технологиялари) ни билишнинг аниқ усули сифатида таништириш; касбий фанлар, информатика ва ахборот технологиялари ва воқеликнинг диалектик ўзаро боғлиқлигини тушунишни шакллантириш; касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялар курслари ва уларнинг усуллари ҳамда уларнинг табиий ва гуманитар фанлар усулларидан фарқларини ажратса олиш билим ва қўнимкамларини шакллантириш деб тасвираш мумкин.

**2. Тарбиявий функция** дунёқараш ва аҳлоқни шакллантириш билан аниқланади. Интеграцияда таълимнинг шундай соҳаси пайдо бўлдики, унда информатика ва ахборот технологияларининг амалий дастурлар пакети воситалари асосида математик қонунларнинг очилиши натижасида, умумий гуманистик қадриятларнинг мазмунни уйгунлашди. Таълим олувчи воқеликни фалсафий тушуниш майдонига қанча эрта кирса, инсоннинг шахс сифатида ривожланшидаги дунёқарашга оид кўплаб аҳлоқий, эстетик, психологик ва физиологик муаммолар шунчалар самарали ҳал этилади. Математик ва информатик таълим нафақат шахснинг умумий ривожланишига, балки характернинг, аҳлоқнинг шаклланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

**3. Ривожлантирувчи функцияси** фикрлашни, тасаввурни, билишга бўлган қизиқишини ижодий қобилиятларни, билимларни ўзлаштиришдаги онглиликни ривожлантиришга қаратилган. Бундан ташқари фикрлаш фаолиятининг мантикий усулларини шакллантириш ҳам киради.

**4. Эвристик функцияси** турли хил топағонлик, топқырлық усулларни, билиш методларини ўзлаштириш ва уларни турли аник вазиятларда қўллай олиш кўнкимасини эгаллашни таъминлаш киради.

**5. Прогностик функцияси** фактларнинг очилиши уларни асослаш, аргументларнинг турли хил усулларини таҳлил қилиш жараёнига информатика ва ахборот технологиялари воситалари асосида талабани жалб этишни назарда тутади. У таълим жараёнида талабанинг қобилиятлари, унинг фикрлашини, билимга бўлган фаоллигини ривожланишини таъминловчи қобилиятларини намоён қила олишлигига боғлиқ.

Касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари курсларини интеграцияси жараёнида, талабаларда прогностик кўнкималарни шакллантириш, ечилмаган муаммоларни топиш, гипотезаларни шакллантириш, фикрлашни кенг доирада намоён қилиш, муаммоларнинг олдиндан ҳал қилувчи ечимларини кўра олиш, аргументларнинг турли усулларини таҳлил қилиш имконини беради.

**6. Эстетик функцияси** касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари курслари интеграцияси ёрдамида оламни эстетик идрок қилишни ривожланишига ёрдам беради ва эстетик функцияни амалга оширади.

**7. Амалий функцияси** Касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари интеграциясида ўхаш предметлар базасида амалга оширилишидан қатъий назар ҳамма вақт ўринидир. Унинг моҳияти, таълимни амалий мазмунга эга масалаларини амалий дастурлар пакети ёрдамида ечишга, реал олам ҳодисаларини ўрганиш кўнкимасини шакллантиришга, ўкув материалининг амалий йўналтирилганлигига ўз аксини топади. Бу функция, унда шаклланаётган билим ва кўнкималарни амалий қўллашнинг истиқболларини ҳосил қилиш ҳисобига, касбий фанларни ўрганиш сабабларини ортишига ёрдам беради.

Кўрсатилган функцияни амалга ошириш, янги тушунчаларни уларнинг амалий аҳамияти орқали киритишни асослаш, реал ҳодисалар характеристикаларининг табиатини аниқ мисолларда амалий дастурлар пакетида кўрсатишни талаб этади, ҳамда у касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари интеграциясининг таълимий потенциалини ўкув жараёнида очиб бериш имконини беради.

**8. Назорат функцияси.** Касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари интеграцияси шароитларида күйидагиларда ўз аксини топади: а)таълим жараёни ва натижаларини доимий назорат қилиш реаллигига; б)алоҳида талабанинг, шунингдек бутун гуруҳнинг билим, кўникма ва малакалари ҳолатини кўришда ва шу асосда уларнинг ўқув материали мазмунини белгилаш, тизимлаштириш ва умумлаштиришни, унда боғлиқликларнинг мавжудлигини англаш ва идрок этишга тайёргарлигини ўрнатишда; в)талабаларнинг билимларини ижодий ва янги вазиятларда қўллай олиши ҳақида маълумотларга эга бўлишида; г)интегратив дарсларни ташкиллаштириш ва ўткизилиш самарадорлигини аниқлаш: - интеграция жараёнида талабаларда вужудга келадиган қийинчиликларни; - у ёки бу мавзу ва ўқув материали бўйича улардаги мавжуд бўшлиқларни; -уларнинг сабабларини аниқлаш ва ўз вақтида талабаларга зарур ёрдам кўрсатиш; -интегратив жараёнга унинг шакллари ва воситаларини такомиллаштириш мақсадида ўзгартиришлар киритиш.

**9. Ахборотли функцияси.** Таълим жараёнида талаба амалдаги стандартда кўрилган материал билан танишибигина қолмай, кенг амалий дастурлар пакетидаги ахборот ва уларнинг найдо бўлиши, дастурларнинг ривожланиш версиялари, ҳамда математик ахборот ғояларининг концептуал қарашлари қайта ишланади ва ахборот олинади.

**10. Тузатувчи (коррекцияловчи) функцияси.** Талабалар оладиган ахборотни тузатишдан иборат. У ҳар хил манбалардан, жумладан, амалий дастурлар пакетидан оладиган ахборотларнинг аҳамияти ва моҳиятини аниқлаш имконини; тасаввурлар, тушунчалар, кўникмалар ва малакалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиликни, предметлар ички алоқаларини ўрнатишни таъминлайди, ҳамда ўрганилаётган материални чуқурроқ англашга ва яхшироқ эслаб қолишга ёрдам беради. Тузатувчи (коррекцияловчи) функция талабалардаги мавжуд, билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланиши, янги ва унга қадар ўқиб ўрганган билимлар ўртасида боғланишларни ўрнатишни тавсифлайди.

**11. Тизимлаштирувчи функцияси:** Фанларро билимларни ўзлаштиришда зарур бўлган тизимлиликни шакллантиришни назарда тутади. Билимларни тизимлаштириш деганда, маълум қонуниятлар, тамойиллар ёки қоидалар асосида бир яхлитлилкнинг қисмлари орасидаги мантикий боғланишларни ўрнатиш

йүли биләп, фанларни ёки улар ҳақида билимларни умумлаштириш тушунилади. Билимларни тизимлаштириш, уларнинг шундай тартибда жойлашуви, билимлар ўртасида боғлиқлилик ва бирлик намоён бўлади. Билимларни тизимлаштириш мантиқий операция ҳисобланади ва у касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари бирлиги ёки объектив тизимларни билиш асосида амалга оширилиши мумкин.

**12. Моделлаштирувчи функцияси:** касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари интеграцияси асосида математик моделлаштириш ҳақида тасавурларни шакллантириш; математик моделлаштириш талабаларнинг дунёкарашини шакллантиришга ўз ҳиссасини кўшади ва шу нуқтаи-назардан уни ўзаро фанлараро билимлар, кўникмалар қоришмаси деб тасвирлаш мумкин.

**13. Визуаллаштириш функцияси:** талабаларнинг билимларини шакллантиришда касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари тушунчаларини кўргазмалилик асосида ташкил этиш ва уларнинг математик тасаввури ривожлантирилади. Бунда математик таввурларнинг информатика ва ахборот технологиялари воситалари ёрдамида визуал ҳолатини кўриш ва улардан фойдаланиш имкониятлари яратилади.

**14. Гуманистик функция** – талабанинг индивидуал ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахснинг ривожланиши учун шароитларни яратишдан иборат. Бу функциянинг амалга оширилиши, ҳар бир талабани унинг қобилияtlари характеристидан қатъий назар ижодий фаолиятга кўшишни кўзда тутади. Ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги ижобий муносабатларни, талабаларнинг фикрларига хурмат билан қарашни, уларга бўлган меҳрибонликни ва эътиборлиликни, психологик қулай шароитни яратишни назарда тутади.

Юқорида келтирилган интегратив функциялар ўзаро боғланган. Масалан, ахборотли функциялар, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи функциялар билан кескин боғланган, чунки:

а) у касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари курсларининг амалий йўналтирилганлиги, илмий изланишлар, қашфиётлар ҳақида маълумотларни умумлаштириш орқали талабалар дунёкарашини шакллантиришга имкон беради;

б) талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиради, кўшимча ахборотли материални умумлаштириш, дарсда ижодий мухитни яратади;

Ушбу интегратив функцияларни амалга оширувчи касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари интеграцияси мазмунининг моҳиятини очиб, тузилиш жиҳатдан, шуни инобатга олиш керакки, тузилмаси маълум компонентлар кўринишида берилиши керак, ўкув жараёнида бу компонентлар унинг асосий функцияларига бевосита боғлиқлиги намоён бўлади.

#### **1.4. Касбий фанлар курслари билан информатика ва ахборот технологиялари курсининг интеграциясини таъминлаш тамойиллари**

Таълимда предметлараро алоқадорлик фан ва жамият ҳаётида рўй берастган интеграцион жараёнларнинг яққол ифодаси бўлиб ҳисобланади. У олий таълим муассасаларида тайёрланаётган бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Предметлараро алоқадорлик орқали талабаларни ўқитиш, ривожлантириш ва тарбиялаш масалалари нафақат сифат жиҳатдан янги босқичда ҳал этилади, балки реал борлиқнинг мураккаб муаммоларини мажмуавий ҳолда кўриш ва ҳал этиш учун пойдевор қўйилади. Айнан, шунинг учун ҳам у олий таълим муассасаси талабаларини ўқитиш ва тарбиялашга мажмуавий ёндошув шарти бўлиб ҳисобланади.

Олий педагогик таълим математика ўқитиш методикаси йўналишида ўқитиладиган умумкасбий фанлар (дастур) ва «информатика ва ахборот технологиялари» (фан дастури, шунда тасдиқланган) курслари бир-бирига кучли таъсир кўрсатади, аммо бу - ҳамма вақт ҳам ўқитиш амалиётида ўз аксини топа олмаяпти. Умумкасбий фанларини ўқитишда информатика ва ахборот технологиялари билан интеграциядан фойдаланиш математик таълим сифатини ошириш, ўз билимларини келгуси фаолиятда қўллаш ва такомиллаштиришга қобилиятли, малакали мутахассис тайёрлашга имкон беради.

Маълумки, математика нафақат умумтаълим, балки касбий шуктаи-назардан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари курсларининг ўзаро бир-бирига кучли таъсир кўрсатишига қарамасдан, бу таъсир ўқитишда

хеч қачон бир хил баҳоланмайди ва фойдаланилмайди. Предметлааро интеграциядан самарали фойдаланиш бу - энг аввало таълим дастурини ўзлаштиришдаги қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида ундан фойдаланишдир. Шу билан бирга касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари курсларининг алоқадорлигидан фойдаланиш уларни ўқитиш самарадорлигини оширишга кенг имкониятлар яратади.

Предметлааро интеграцияни куйидаги икки йўналишда амалга ошириш мумкин: а) ўқитиш мазмунда; б) педагогик фаолиятда. Ушбу йўналишларни «математика ўқитиш методикаси» таълим йўналишидаги касбий фанлар курслари (Алгебра, геометрия, математик таҳлил) ни ўқитиш мисолида қараб чиқамиз.

Бунинг учун эса дастлаб ушбу курсларни ўқитиш жараёнида унинг информатика ва ахборот технологиялари курси билан интеграциясини ривожлантириш тамойилларини аниқлаш мақсадида мазкур йўналиш битирувчинининг касбий тайёргарлиги мазмуни ҳусусиятини таҳлил қиласиз.

Математика ўқитиш методикаси йўналишидаги касбий фанлар курсларини ўрганишда бошқа фанларнинг интеграциясини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Бу интеграция информатика ва ахборот технологиялари фани билан аксарият ҳолларда тартибсиз тасодифий тартибда рўй беради. Шу билан бирга касбий фанлар курсларини ўрганиш жараёнида моделли жиҳатни мақсадли кучайтириш, талабаларда математикада амалий дастурлар пакети ёрдамида масалалар ечишнинг барча технологик занжири ҳақида янада тўла тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Талабаларнинг информатика ва ахборот технологиялари дастурий воситалари орқали қўлланилишини тушуниш учун математик муносабатларнинг моделларини ўз ичига олади деган фактни англаши ва уларда математик функцияларни бажаришни тушунишга имкон яратади.

Касбий фанлар курсларининг информатика ва ахборот технологиялари курси билан интеграциясини ривожлантириш асосига қўйиш мақсадга мувоғиқ ҳисобланган биринчи тамойил куйидаги фикрга асосланган. Касбий фанлар курсларидаги мазмун ва уни ўзлаштиришга қўйилган талаблар асосида алгоритм тушунчаси муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга алгоритмни касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологияларини ўрганишга ёндошувлар турлича. Ҳусусан, математикада алгоритм - бу жараён,

информатикада эса алгоритм - бу жараён ёзуви, фаолият модели. «Информатика ва ахборот технологияси» курсида алгоритмлаш қандайдир алгоритмик тилда алгоритмини тузиш ва формал тасифлаш жараёни сифатида қаралади. Алгоритм компьютерда бажарилади, уни ўрганишда асосий эътибор эса формал тасифлашга қаратилади. Касбий фанлар курсларида аксинча ўрганилаётган алгоритмларнинг «синтактик» жиҳати ва уларнинг шик тасифи кам тасифланган, асосий урғу математик масалаларни ечиш алгоритмга қаратилган. Бўлажак математика ўқитувчиси касбий фаолиятида касбий фанлар ва «информатика ва ахборот технологиялари» курсларида алгоритмни ўрганишга ёндошувларни мувофиқлаштириш ва яқинлаштириш учун касбий фанлар курсларида ўрганиладиган алгоритмларнинг «синтактик» жиҳатини кучайтириш муҳим ва мақсадга мувофиқ хисобланади. Ўндай ҳолда касбий фанлар курсларини ўқитиш жараёнида яратиладиган алгоритмлар, уларни яратишга ёндошувларнинг мувофиқлашувига кўра информатика ва ахборот технологиялари курси алгоритмлар банкига тегишли. Бир вақтда бундай мувофиқлашув ва яқинлашув, касбий фанлар курсларида алгоритмларни деталли тасифлаш заруриятига кўра, талабаларга математик масалаларни ечиш жараёнида шахсий фаолият усулларини аниглашга имкон беради.

Касбий фанлар курсларини ўқитишда математика ва информатиканинг интеграциясини ривожлантиришининг иккинчи тамойилининг моҳияти қуйидагидан иборат: «Математика ўқитиш методикаси» йўналиш битирувчиси касбий фаолиятида, амалий (тадбиқий) масалаларни ечишни кўзда тутади ва бунда моделларни яратишга кўпроқ эътибор қаратилади. Моделларнинг кўпчилик қисми математик моделлар бўлганлиги учун, амалий масалаларни ечиш моделларини куриш кўп жиҳатдан кўпроқ амалий дастурлар иакетига таянади. Реал масалалар ва объектларнинг мазмунан бойлиги, шу билан бирга уларни моделлаштириш, моделларни таснифлаш ҳақидаги масалани кун тартибига кўяди. Аниқ модел бир нечта таснифланувчи аломатларга эга бўлиши мумкин. Моделларни таснифлаш аломатларидан кўпроқ маълумлари: дискретлилик ва узлуксизлик, матрицали ва скаляр моделлар, статик ва динамик моделлар, аналитик ва имитацион моделлар, ахборотлашган ва математик моделлар, предметли ва образли-

белгили моделлар, масштабли ва номасштабли моделлар ва бошқалар.

«Информатика ва ахборот технологиялари» курсида компьютер ёрдамида масалаларни ечишга Ўргатишнинг анъанавий амалиёти шундан иборатки, унда асосий урғу алгоритм тузиш ва уларни дастурлаш тилига кўчиришга қаратилади. Аммо, бу жараён жуда кам ва таркибиға масаланинг кўйилиши, модел яратиш, алгоритм тузиш, тузилган алгоритм асосида дастур ёзиш, дастурни синовдан ўtkазиш каби бир қатор амаллар кирадиган технологик занжирни ташкил этади. Масаланинг муваффақиятли ечилиши эса бу технологик занжир таркибиға кирувчи барча амалларнинг тўғри бажарилганлигига боғлик.

Ўқитишининг муҳим моменти компьютерларни қўллашнинг тўла занжирини қуришдан иборат: реал жараён, математик модел, ечиш усули, алгоритм, дастурли амалга ошириш, сонли тажриба ва натижалар таҳлили.

Касбий фанлар курсларини ўқитиши сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида унинг «информатика ва ахборот технологиялари» интеграциясини ривожлантиришнинг моҳияти бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: - касбий фанлар ва «информатика ва ахборот технологиялари» курсларида алгоритмни ўрганишга ёндоуввларни мувофиқлаштириш ва яқинлаштириш мақсадида ўрганиладиган алгоритмларнинг синтактик жиҳатини кучайтириш; -талабаларда компьютер технологиялари воситалари ёрдамида масалалар ечишнинг барча технологик занжирни ҳақида тўла тасаввур яратиш мақсадида моделли жиҳатини кучайтириш.

Информатика ва ахборот технологиялари курсида алгоритмларни тасвирлаш воситаси сифатида кўпинча блок-схемадан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам касбий фанлар курсларида алгоритмларни яратишида блок-схемадан фойдаланиш методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, бир томондан бу яратилаётган алгоритмнинг «синтактик» жиҳатини кучайтиришга имкон беради, бошқа томондан эса уни ўқитиши мазмунини қайта кўриб чиқиш талаб этилмайди.

Кўпгина тадқиқотчилар (М.П.Лапчик [58], В.М.Монахов [67] ва бошқалар) математикани ўқитишида блок-схемадан фойдаланишининг қўйидаги методик афзаликларини қайд этган: алгоритм тавсифининг юкори даражада кўргазмалилиги; ўқитишдаги умумий кулайлик, чунки блок-схемани ўқитиши учун муҳим тайёргарлик

талааб этилмайди; ҳисоблаш жараёнини бошидан охирига қадар кўриш имкони мавжуд.

Блок-схема тили математик масалаларни ечишда фойдаланиш учун жуда содда восита ҳисобланади.

Математик масалаларни ечиш жараёнига алгоритмлар тузиш ва уни блок-схема кўринишда ифодалашни киритиш математикани ўқитиш мазмунини қайта кўриб чиқишни талааб этмайди.

Юқорида қайд этилганлар касбий фанлар ва «информатика ва ахборот технологиялари» курсларининг интеграциясини ривожлантиришнинг қуидаги тамоилларини аниқлашга имкон беради: касбий фанлар курсининг *моделли* ва *алгоритмик жисхат* ларини кучайтириш.

Касбий фанлар курсларининг асосий вазифаси: алгебра, геометрия ва математик таҳдил курслари мазмунини сингдириш ва уларнинг назарий имкониятларини турли хил масалалар ечишга тадбиқини қўллаш орқали бўлажак математика ўқитувчиларини тайёрлашдан иборат. Касбий фанларни ўқитиш асосан:

- функция, лимит, ҳосила, интеграл тушунчаларининг аниқ ва табиий фанлардаги тадбиқлари;
- тўплам, алгебраик амал, алгебраик муносабатларнинг қўлланиш объектлари;
- алгебра, алгебраик система, матрица, детерминант тушунчаларининг узлусиз таълим босқичларидаги ривожланиш даражаси;
- вектор фазо тушунчасининг математиканинг турли курсларидағи ўзига хос хусусиятлари
  - таққосламалар назариясининг умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий математик таълимдаги узвийлиги
  - планиметрия асосий тушунчалари ва уларнинг амалий тадбиқлари;
  - стереометрия курсининг назарий асослари;
  - Евклид ва Лобачевский геометрияси;
  - Гильберт ва Вейль аксиомалар системаси;
  - тажрибаларни статистик таҳлили ва баҳоси, тасодифий жараёнлар;
  - математика фани ривожланишининг асосий босқичлари;
  - Европа. Марказий Осиё математиклари хаёти ва ижоди тўғрисида

- дунёни блишнинг маҳсус усули бўлган математика, унинг тушунчаларни тасаввурларининг яхлитлиги;
- қаторлар ва уларнинг турлари;
- тўпламлар устида амаллар. уларнинг хоссалари;
- тўпламлар, ўлчовли функциялар, уларнинг хоссалари;
- Лебег интеграли;
- комплекс аргументли функцияли функциялар;
- алгебра ва унинг турлари;
- эҳтимолликнинг турли таърифлари; функция на уни берилиш усуллари;
- ҳосила, интеграл ва уларнинг тадбиқлари;
- кетма-кетликлар ва уларнинг хоссалари;
- интеграл ва уни ҳисоблаш:
- бинар муносабатлар турларини аниқлаш; комбинаторика элементлари;
- чизиқли тенгламалар системаси ва уни ечиш усуллари;
- векторлар алгебраси элементлари;
- фазодаги алмаштиришлар ва уларнинг хоссалари;
- аффин ва Евклид фазолар;
- қўшчициқли ва квадратик формалар;
- квадратик формаларни алмаштиришлар;
- тасодифий микдорлар, тақсимот;
- статистикада параметрларни баҳолашни билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўллай олишига қаратилган.

Бунинг натижасида улар информатика ва ахборот технологиялари фанини интеграцияси асосида амалий дастурлар пакетида математик атамаларни шакллантиришга йўналтирилган мурakkab масалаларни ечиш ва уни таҳлил қилиш жараёнини ўрганади.

Касбий фанлар курсларида (Алгебра ва сонлар назарияси) функцияни муносабат ва мосликларни тасвирилаш учун рекурент муносабатлардан фойдаланилади. Рекурент муносабатлардан фойдаланиб функциянинг қийматини ҳисоблашнинг рекурсив алгоритмларини қуриш мумкин. Рекурсия дастурлашда муҳим ва қулаг ускуна ҳисобланади.

Касбий фанлар курсларини ўқитишида моделли жиҳатини кучайтириш ушбу курсларнинг тадбиқий ташкил этилишига катта талаб қўяди. Ушбу йўналиш тўлалигича замонавий математик

таттимни ривожлантиришнинг долзарб йўналиши билан гуманитарлаштириш гоясини илгари сурадиган замонавий математикани ўқитиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

«Информатика ва ахборот технология» курсида касбий фанлар «Алгебра ва сонлар назарияси» нинг қуйидаги бўлимлари: тўплам, тўпламлар устида амаллар, муносабат, сон модули, Ньютон биноми, матрицали ва циклик шаклларда ўрин алмаштиришлар, тўпламлар устида муносабатлар, исботлаш методлари, ҳисоблаш асослари, мантиқ асослари, графлар, дискрет математикаларни кўйлаган ҳолатда амалий дастурлар пакети ва дастурлаш тилларидан фойдаланиб моделлаштиришга ҳаракат қилинади.

Касбий фанлар курслари материалларининг айрим қисмлари компьютер тузилмаси ва ғоя синтаксини абстракт моделлаштиришга, шунингдек алгоритмик ва мантиқий амалларга ҳамда аппаратли даражада белгиларни кодлашга асосланади. Қолган қисми эса комбинаторика, муносабатларга, графларга, алгоритмлар ва процесслар тармоқقا асосланади.

Кўпгина масалаларни иллюстрациялаш учун графлардан фойдаланилади.

Маълумки, бўлажак математика ўқитувчилари учун маълумотларнинг тўрли хил тузилмаларидан фойдаланиб масалалар ечиш кўнимаси ўта муҳим ҳисобланади. Бу тузилма одатда назарий-графли моделлар ёрдамида шаклланади. Бу ерда бир графни фойдаланиб бошқасидан куришга асосланган конструктив ёндошув ўта муҳим ҳисобланади. Атамаларга нисбатан ёпиқ, графларнинг берилган ҳусусиятларини ўзида сакловчи графлар синфини конструктив тавсифлаш, бир томондан бу ҳусусиятлар табиатини яхши тушунишга, бошқа томондан эса олдиндан берилган характеристикаларга кўра графлар куришга имкон беради. Бунда графларнинг бевосита берилишидан уларни куриш алгоритмлардан берилишига ўтиш ҳисобига ахборотни «сиқиши» имконияти намойиш этилади.

Графлар учлари дастур операторлари ёки операцион тизим буйруқлари; компьютер платасидаги контакт майдонлари, инсон фаолият соҳасидаги ҳодисалар; графлар ёқлари ёки қирралари эса дастур аппаратлари, операцион тизим буйруқлари, компьютер платасидаги майдонлар контактли; инсон фаолияти давомидаги барча соҳаларнинг сабаб-оқибат алоқалари бўлиб ҳисобланади. Комбинаторика элементи кўп ҳолларда графлар назариясига,

компьютер графикаси ва дастурлаш тилини яратишга ва бошқаларга тадбиқ этилади. Шунинг учун уни касбий фанлар курсларида уларнинг назариясини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шундай қилиб, касбий фанлар курсларининг қайд этилган бўлимларида амалий масалаларга эътиборни қаратиш, унинг мазмунидаги предметлараро интеграцияни кучайтириш, уни ўқитиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Математиканинг ҳозиргача етарли даражада ўрганилмаган асосий обьекти-сонни тушунишни чукурлаштиришда информатиканинг муҳим роли ва ўрнини таъкидлаб ўтамиз. Ҳақиқий сон назариясининг жиддий тузилиши ёки лимитлар назариясидан (Кантор усули) ёки тартибланган тўпламлар, тўпламлар назарияси (Дедикенд усули) чукурлаштиришни талаб этади. Информатика берилган аниқликда  $\sqrt{2}$ ,  $\sqrt{2} + \sqrt{3}$ ,  $\pi$ , е каби сонларни «ҳисоблайди», ҳақиқий сонлар ва улар устида амалларни тўғри ва етарлича чукур тушуниш, кетма-кетлик лимити тушунчасини шакллантириш имконини беради.

Касбий фанлар (Геометрия) мазмуни планиметрия асосий тушунчалари ва уларнинг амалий тадбиқлари, стереометрия курсининг назарий асослари ва уларнинг амалий тадбиқи асосий мазмунни ташкил этса, унинг информатика ва ахборот технологиялари курсида 2 ва 3 ўлчовли графикларини информатика ва ахборот технологияларининг дастурий воситалари орқали интеграциялашган ҳолатда ўқитиш фандаги визуаллаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Чунки, кўпчилик геометрик фигурулар ва уларни тасвирлаш жараёнида талабалар қийинчиликка дуч келади. Интеграциялаш асосида ўқитишда эса бу қийинчилик бартараф этилади.

Касбий фанлар (Математик таҳлил) ни информатика ва ахборот технологиялари интеграцияси асосида ўқитишда функция, функция лимити, ҳосила, интеграл, аниқ интеграл тушунчаларининг аниқ ва табиий фанлардаги тадбиқларини кўриш учун амалий дастурлар пакетидан фойдаланган ҳолатда билимларни шакллантириш имконини беради.

---

## **II БОБ. ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИМКОНИЯТЛАРИ**

### **2.1. Таълимда ахборот технологиялари ва улардан фойдаланиш имкониятлари**

Жамият ривожининг замонавий босқичи фаол кечётган ахборотлаштириш жараёни билан характерланади. Жамиятнинг оммавий ҳаётининг барча соҳаларида ахборот хизмати ҳажми ва ахборот аҳамияти кескин ўсиб бормоқда. Ахборот - сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш обьектлари бўлган аниқ маълумотлар ва улар орасидаги боғлиқликлар ҳақидаги билимлар мажмуаси. Жамият учун ахборот ўзини англаш ва бир бутунлик сифатида фаолият юритиш учун восита. Ахборотга қўйилган зарурий талаблар бу - ишончлилик ва очиқлилик (уни олиш, тушуниш ва ўзлаштириш маъносида). Ахборотлаштириш босқичида жамият ахборотдан ижтимоий маҳсулот сифатида фойдаланилади. Бу эса ўз навбатида, инсон фаолиятининг ижтимоий аҳамиятли барча турларига таъсир этувчи юқори даражада ташкил этилган ахборотли муҳитни шакллантиришни тақозо этади. Ахборотли муҳит - ахборот обьектлари ва улар орасидаги боғланишлар тўплами, ахборотни ва ўз билимини тўплаш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш ва тарқатиш воситаси ва технологиялари, шу билан бирга ахборотли жараёнларни қўллаб-куvvатловчи ташкилий ва ҳуқукий тузилмалар. Жамиятнинг ахборотли муҳитини такомиллаштириш ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишининг илгор ғояларини шакллантиришга, жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан таълим соҳасида жамият аъзоларининг фаолиятини интеллектуаллаштириш, ижтимоий ўзаро муносабатлар ва ўзаро боғланишларнинг тузилмасини алмаштиришга олиб келади.

Жамиятни ахборотлаштириш - деганда ишлаб чиқаришнинг глобал ижтимоий жараёни ва ахборотдан иқтисоднинг ўсиши, илмий-техник тараққиётининг тезлашиши, жамиятни интеллектуаллаштириш жараёнини таъминловчи жамоа ресурс сифатида фойдаланиш тушунилади.

Жамиятни ахборотлаштириш - инсоният ҳаётининг барча жабҳаларига фаолият интеллектуал турлари таъсирининг ўрни ва даражасини ошириш билан боғлиқ объектив ижтимоий жараён, бу жараён онгли инсон фаолиятининг барча соҳаларида, мукаммал ва ўринли билимларни тўлароқ қўллаш асосида жамият ҳаётини қайта куриш жараёни. Ижтимоий меҳнатни тақсимлашда оғирлик маркази қабул қилиш, қайта ишлаш, саклаш, узатиш, тасаввур қилиш ва қўллаш соҳасига кўчди.

Жамиятнинг ахборотлаштириш ўқитишининг мазмуни, усуллари ва ташкилий шаклларини ўзгартиришни рағбатлантиради. Жамиятни ахборотлаштириш жараёни муваффақиятли ривожланишининг асосий шартларидан бири ва унинг устувор йўналиши таълимни ахборотлаштиришdir. Таълимда ахборотлаштириш - бу ахборотни қабул қилиш ва узатишнинг замонавий воситасини қўллаш методологиясини ишлаб чиқишга қаратилган таълим соҳасининг ахборот муҳитини қайта қуришнинг эволюцион жараёни ва бу методологияни жорий этиш учун ресурслар билан таъминлашdir. Ахборотлаштириш шароитларида таълим тизими замонавий ахборот технологияларини ўзлаштирумокда.

«Ахборот технологияси» атамасини биринчи бўлиб В.М. Глушков умумий маънода куйидагича таърифлаган: «Ахборот технологиялари ахборотни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлар». Унинг бундай талқинидан ахборот технологиялари таълимда ҳар доим қўлланилган деб таъкидлашимиз мумкин, чунки таълимда асосийси бу - ахборотни таълим олувчиларга узатиш жараёни бўлиб, турли методика ва педагогик технологиялар ахборотни қандай қайта ишлаш ва узатишни тавсифлайди [31].

Н.В. Апатова бу атамани қуйидагича аниқлаштирган: «Ахборот технологияси - бу ахборотни қайта ишлаш жараёнини амалга оширишга ёрдам берувчи восита ва усуллар тўплами.» Шундай қилиб, ахборот технологияси-ахборотни компьютер ёрдамида қайта ишлаш, тарқатиш, узатиш технологияси, информатиканинг ҳисоблаш ва дастурий воситаларни яратиш ва уларни қўллаш воситаси [15].

Таълимда компьютерлар кенг қўлланила бошлангани сабабли «таълимда ахборот технологиялари» ҳақида гапириш зарур бўлиб қолди. Ахборот технологиялари воситалари марказида турувчи воситачи компьютердир. Бугунги кунда компьютерлар таълим тизимида асосан 4 йўналишида:

1. ўрганиш объекти сифатида;
2. ўқитишнинг техник воситалари сифатида;
3. таълимни бошқариша;
4. илмий педагогик изланишларда фойдаланилади.

Ўқитиш технологияси-ўқитиш субъектларида маълум билимлар ва билимлар тизимини шакллантиришга йўналтирилган ўкув-билиш фаолиятни амалга ошириш бўйича амаллар тўплами. У маълум мақсад ва вазифаларга бўйсунади ва ўз ичига қуидагиларни олади: мазмун, усуллар, ўқитиш воситалари ва ўкув жараёнини ташкил этиш шакллари. Ўқитиш технологияси, қисқа маънода ўқитишнинг турли техник воситалари, шу жумладан компьютер ва бошқа ўқитишнинг электрон воситаларини кўллашни назарда тутади. В.А. Извосчиков фикрига кўра, ўқитиш технологияси ўкув-тарбия жараёнини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этишга илмий ёндошувни, шу билан бирга фан ва технологияянинг охирги ютуқларини ҳисобга олиб таълим муассасаларининг моддий-техникавий базасини янгилашни назарда тутади. «Ахборот технологиялари» ва «ўқитиш технологияси» атамаларини бирлаштириб маҳсус атама «ўқитишнинг ахборот технологияси» атамасини яратиш мүмкун. Ўқитишнинг ахборот технологияси - деганда ахборот билан ишлаш воситаси компьютер бўлган ўқитиш тизими тушунилади [39].

XXI асрнинг охирги 10 йиллигига ҳисоблаш техникаларининг тезкор ривожланиши ва шу билан бирга янги сифатли дастурий воситаларнинг пайдо бўлиши ахборот технологияларининг янги, яъни - касбий билимларни ахборотлаштириш босқичига ўтишига имкон яратди. Компьютер ёрдамида ахборотни қайта ишлаш технологиясининг ҳозирги босқичи сунъий интеллект ютуқларига таянади. Асосий гоя қуидагидан иборат: дастурий воситалар шундай ишлаб чиқилганки, ахборотни киритиш ва чиқариш (масалани қўйилиши ва уни ечимини топиш) жараёни фойдаланувчининг касбий тилида олиб борилади. Бундай ахборот технологияси «замонавий ахборот технологиялари» деб номланди. Замонавий ахборот технологиялари ривожланаётган ижтимоий муҳит қонуниятларига мос ва энг кам харажатлар билан ахборот маҳсулотларини (маълумот, гоялар, билимлар) яратиш, узатиш, саклаш ва акс эттиришни таъминловчи, замонавий восита ва усуллари тўплами сифатида қаралган.

Замонавий ахборот технологиялари имкониятлари аппаратли (hard were), дастурли (soft were), мияли (brain were) таъминотлар билан аниқланадиган компьютерларга асосланган. Амалиёт шуни кўрсатдики, замонавий ахборот технологиялариининг ҳозирги босқичидаги муваффақиятида асосий ролини охирги компонент таъминлайди. Таълимда компьютерни қўллашнинг истиқболли йўналишларидан бири бу компьютерли предметли муҳитдир.

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишининг асосий чизгилари: - маълумотларни манипуляция қилиш режимида ишлаш; - масалани ечиш жараёнида фойдаланувчи ва компьютернинг ўзаро таъсирининг интерактив режими; - компьютер билан мулоқот вақтида ахборотни тақдим этиш усули ва шаклларини мослаштириш имкони.

Замонавий ахборот технологиялари концепциясида 3 та асосий тамойил бор: интегралланувчанлик, эгилувчанлик ва интерфаоллик. Куйидаги техник ютуқлар замонавий ахборот технологиялари асосини ташкил этади: ахборотни жамлаш ва сақлашнинг янги муҳитининг пайдо бўлиши; ахборотларни деярли чекланишларсиз ва қисқа вақтда етказиш имконини берувчи коммуникация воситаларини такомиллаштириш; берилган алгоритмлар бўйича ахборотни компьютер ёрдамида автоматлаштирилган қайта ишлаш имконияти.

Замонавий ахборот технологияларининг умумий йўналтирилганлиги бу - барча ахборотлашган жараёнларни автоматлаштириш даражасини оширишdir. Аммо, таълим соҳасини автоматлаштириш ижтимоий фаолиятнинг бошқа йўналишларини ахборотлаштириш билан бирга одимлаши керак, чунки унда жамиятни ахборотлаштиришнинг ҳамда ижтимоий, умуммаданий, психологик, касбий заминлари шаклланади; таълимни ахборотлаштириш жамиятни муваффақиятли ахборотлаштиришнинг шартидир.

Таълимдаги замонавий ахборот технологиялари - бу ўқув ва ўқув-услубий материаллар, ўқитишга мўлжалланган техник ва ускунавий ҳисоблаш техникаси воситалари мажмуасидир, шу билан бирга ўқитувчи ва талабаларнинг меҳнатини такомиллаштириш учун қўлланиладиган ҳисоблаш техника воситаларининг ўқув жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, уларнинг шакли ва усуллари ҳақида илмий билимлар тизими.

Таълимда замонавий ахборот технологиялари долзарб педагогик муаммоларининг мукаммал ечимини топиш ва ўқув

жараёнини оптимал бошқаришни таъминлаш имконини берувчи ақлий меҳнатнинг маҳсулдорлигини оширувчи кучли воситадир.

Замонавий ахборот технологияларининг асосий ҳусусияти ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорлигидаги ижодий ва мустақил фаолияти учун деярли чегараланмаган имкониятларни беришдан иборат. Замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ўқитувчилар ўз ишининг ташкилий шакли ва усулларини сифатли ўзгартириши, талабаларнинг индивидуал ҳусусиятларини тўлароқ ривожлантириши, ўқув жараёнининг ташкил этишини доимий динамик янгилашни амалга оширишлар мумкин.

Замонавий ахборот технологиялари воситалари - деганда микропроцессор асосида ишлайдиган дастурли-аппаратли восита ва курилмалар, ҳисоблаш техникалари, шу билан бирга ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш жараёнларини таъминловчи замонавий воситалар ва ахборотлаштириш тизимлари тушунилади.

Замонавий ахборот технологиялари воситаларига қўйидагилар киради: замонавий компьютерлар, локал ҳисоблаш тармоқлари, ахборотни киритиш-чиқариш қурилмалари, матнли ва графикли ахборотни киритишни бошқариш воситалари ва замонавий компьютерларнинг бошқа қурилмалари; маълумотларни графикили ва овозли шаклдан рақамлига ўтказиш ва аудиовизуал ахборотни бошқариш воситалари ва қурилмалари; замонавий алока воситалари; сунъий интеллект тизимлари; компьютерли график тизимлар, дастурий мажмуалар (дастурлаш тиллари, трансляторлар, компиляторлар, операцион тизимлар, амалий дастурлар пакети) киради.

Замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланишнинг қўйидаги педагогик мақсадлар шакллантирилган: талаба шахсини ривожлантириш, ахборотлашган жамият шароитларида шахсни ҳаётга тайёрлаш; замонавий жамиятни ахборотлаштиришга йўналтирилган ижтимоий буюртмани амалга ошириш; информатика-мутахассисларини ва оддий фойдаланувчиларни тайёрлаш; ўқув-тарбия жараёнининг барча босқичларини интенсификациялаш. Биз ушбу мақсадларга олий таълим муассасаларида замонавий ахборот технологиялари воситалардан фойдаланиш учун фаол бўлган яна битта мақсадни қўшимча қиласиз: таълим олувчиларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш ва илмий изланиш учун янги сифатли шароит ва ускуналарни яратиш.

Ҳозирги вақтда таълимга замонавий ахборот технологиялари воситаларни жорий этишнинг қуидаги объектив қийинчиликлари мавжуд:

- ўқитувчиларнинг кўп қисмининг замонавий ахборот технологияларни ўзлаштиришга ва таълим амалиётига жорий этилган тайёргарлиги етарли эмас;
- педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг оптималь дастурлари ва режалари такомиллаштирилмаганлиги;
- бир қатор ўқув фанларини ўқитиша кўп асрлик анъаналар ва узвийликка эга инерциялилик.
- замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириш муаммоларини анъанавий ўқув технологиялари билан бодлик масалалар билан бирга ҳал этиш (барча ўқув курсларининг, уларнинг ҳусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда компьютер билан ҳамоҳанглигини таъминлаш зарур эмас эканлигини тан олиш);
- ўқув жараёнининг самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида таълимда замонавий ахборот технологиялари воситаларини кўллаш методологияси бўйича ишланмалар билан етарлича таъминламаганлик;
- ўқув курсларини замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш учун тайёр дидактик ва методик материалларнинг этиш-маслиги.

Замонавий ахборот технологиялари воситаларининг асосийси бўлган компьютернинг инсон фаолияти ускуналари ва тубдан янги ўқув воситаси сифатида қуидаги ҳусусиятларини қайд этиш мумкин:

- компьютер катта ҳажмли ахборотга киришни таъминлайди, шу билан бирга сифат бўйича сакрашга, яъни инсон жамиятнинг ахборотли маданиятига бевосита жалб этилиши феномени пайдо бўлишига имкон беради;
- компьютер инсоннинг билиш - тадқиқотчилик фаолияти учун универсал воситадир;
- компьютер (ёзувдан кейин) аҳамиятига кўра бажарилаётган фаолият мазмуни бўйича тезкор ахборот алмашиш учун иккинчи белгили курол, инсон томонидан тил ва белгили-рамзли воситалардан фойдаланишининг тубдан янги соҳасини яратади.
- компьютер инсон фаолиятининг бошқа асбоб-ускуналари ва куролларидан фарқли коммуникатив, яъни фойдаланувчи билан мулоқотга киришиш ҳусусиятига эга ва у билан бир бутун

предметли-йўналтирилган функционал мұхитни (ўзига хос инсон ва компьютернинг симбиози уни «синергизм» деб белгилаш тан олинган) ташкил этади, шу билан бир қаторда нафақат инсоннинг интеллектуал имкониятларини ошириш билан, балки инсоннинг билиш фаолиятининг тузилишини ўзgartиради ва қайта қуради.

- компьютер таълим олувчиларни ўқув жараёнига фаол жалб этади ва ўқишга мотивациясини кучайтиради.

Инсон фаолиятининг турли соҳаларда компьютердан фойдаланишни таъминловчи асосий имкониятлари қўйидагилардан иборат:

- трансдьюсерли (инглизча transducer-датчик, аналоги шакл алмаштирувчи) - ахборотни турли шаклда қабул қилиш ва узатиш имконияти (мос курилмаларнинг мавжудлигига боғлиқ);
- комбинаторли - катта ҳажмли ахборотни эслаш, сақлаш, тузилмалаш, саралаш, мавжуд ахборотдан керагини тез топиш;
- ҳисоблаш - ахборотнинг турли кўринишларини (сонли, графикли, матнли ва овозли ва бошқалар) тез ва аниқ алмаштириш;
- графикли - ўз ишининг натижаларини аниқ шаклда тақдим этиш (матнли, расмли кўринишда, анимация ва бошқалар);
- моделлаштирувчи - реал объектлар ва ҳодисаларнинг моделларини қуриш.

Ўқитишининг замонавий ахборот технологиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлик ва самарадорлилик мезонларига бўйсуниш керак. Компьютердан фойдаланиб ўқитиши воситаси сифатида фойдаланиш ўқув-тарбия жараёнини самарадорлиги ва сифатини кескин ўсишига олиб келиши керак. Компьютерни ўқитиши воситаси сифатида самарали қўллаш мос дастурий воситаларсиз мумкин эмас. Таълимда замонавий ахборот технологиялари воситалари сифатида маҳсуслаштирилган дастурий воситалар – ўқув мақсадли дастурий воситаларни ҳам, шунингдек кейинги пайларда пайдо бўлаётган «компьютерли предметли мұхитлар» ни (уларга компьютерли математик пакетлар, статистика бўйича компьютерли тизимлар киради) қўллаш мумкин.

Ўқув мақсадли дастурий воситалар деб - шундай дастурий воситаларга айтилади, уларда бирор бир предмет соҳаси акс эттирилади, уни ўрганиш у ёки бу даражада амалга оширилади, ўқув фаолиятининг турли шаклларининг амалга оширилиши учун шароитлар таъминланади [74].

Компьютерли предметли мұхит - деб шундай дастурый воситага айтилады, унда бирор-бир илмий предметли соҳа акс эттирилады, унинг тушунчалар билан амаллар бажариш технологияси амалга оширилади ва шу соҳага тегишли масалаларни ечишга шароитлар таъминланади. Компьютерли предметли мұхит-нинг аҳамияти унинг ўкув мақсадида қўлланиш имкониятлари билан тўлик бўлмайди; авваламбор у тадқиқот ишлари учун мўлжалланган. Аммо, бунга ўхшашиб дастурый воситаларнинг интеллектуалли кучи уларнинг универсаллигигини келтириб чиқаради, шунинг учун компьютерли предметли мұхит ўкув дастурый восита бўлмаса ҳам шу сифатда қўлланилиши мумкин.

Дастурый воситаларни қўллаб ўкув масалаларни муваффақиятли ечилишини амалга оширишнинг кафолати бўлиб, уларни қўллаш жараёнини таъминловчи ўкув-услубий ва йўриқномали материалларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Ўкув дастурый восита фойдаланувчи учун қўлланма ва ўкув масалаларини дастурый восита ёрдамида ечиш методикасининг таърифи биргаликда ўкувтарбия жараёнининг дастурый - методик таъминотини ташкил этади. Ушбу дастурый воситани қўллаб ўз машгулотларини ташкил этувчи ўқитувчи ёки шу дастурый восита бўйича мустақил ўрганувчининг ва фойдаланувчининг дастурый воситани қўллаш кўнижмаларига эга бўлишни таъминлайди. (Дастурый воситанинг кириш тилини, унда амалга оширилган алгоритмларнинг имкониятларини билиш, улар асосида фан масалаларини ечишни билиш) эга бўлишни таъминлайди.

Ўкув жараённида дастурый - методик таъминотни қўллаш педагогик мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Аниқ дастурый - методик таъминотни қўллашнинг педагогик мақсадга мувофиқ-лигининг асосий мезони қўйилган методик мақсадларни амалга ошириш фақат берилган дастурый восита ёрдамида самарали амалга оширилиши имкони. Ишлаб чиқилган дастурый - методик таъминот "амалиётга жорий этилишидан аввал синовдан ўтиши керак, бу жараёнда педагогик мақсадга мувофиқлилик тажрибалар орқали аниқланади ва тасдиқланади. Дидактик тамойиллар нуқтаи - назардан аҳамиятлироқ бўлган кўйидаги педагогик ва методик мақсадларга эришиш бошқа педагогик технологиялардан кўра дастурый воситаларни қўллани ёрдамида эришиши самаралироқ:

- ўкув жараёнига фаолиятни ёндошишни шакллантириш;

- ўқув жараёнининг унинг бутунлигини сақлаган ҳолда индивидуаллаштириш ва табақалаштириш;
- таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини рағбатлантириш;
- ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини түғрилашни амалга ошириш;
- ўқув жараёнининг машқ қилувчи босқичини назорат қилиш;
- ўқув фаолият натижаларининг ташҳиси ва баҳолаш билан, тескари боғланиш билан назоратни амалга ошириш;
- компьютерда катта ҳажмдаги мураккаб амалларни бажариш ҳисобига билимларни ўзлаштиришга зиён келтирмасдан ўқув вақтини ажратиш;
- ўқув жараёнининг онглилигини кучайтириш унинг интеллектуал ва мантиқий даражасини ошириш;
- ўқитишининг мотивациясини ошириш;
- ўқув жараёнининг ахборот каналларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш (компьютернинг визуал ва бошқа мураккаб образларни куриш қобилияти ҳисбича);
- ўқув жараёнига тубдан янги билиш воситаларини киритиш: ҳисоблаш тажрибаси ўрганилаётган объект ва ҳодисаларни моделлаштириш ва имитацияси, компьютерли дастурда реал тажрибани имитацияси шароитида ёки ҳақиқий тажрибада лаборатория ишларини ўтказиши, масалаларни экспертили тизимлар ёрдамида ишлаш, алгоритмларни тузиш ва билимлар базасини тўлдириш;
- ахборотнинг катта ҳажмларини қайта ишлаш ва умумлаштириш билан боғлиқ ижодий тадқиқотчилик фаолиятни амалга ошириш имкони.

Қайд этилган педагогик ва методик мақсадларга эришиш дастурий воситага қўйиш зарур бўлган талабларнинг энг кичик мажмуасини бажариш билан таъминланади.

### 1. Педагогик талаблар:

#### а) дидактик талаблар:

- таълим олувчиларнинг ўқув ва тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этишга имкон яратувчи дастурий воситалар ёрдамида илмий асосланган маълумотларни тақдим этишини назарда тутган дастурий восита мазмунини илмийлигини таъминловчи талаб;

- функционал тўлдиришнинг тўлалигини таъминлаш талаби; функциялар тўплами дастур ишлаши керак бўлган фан бўлимлари мазмунини тўлиқ қамраб олиши, шу билан бирга зарур функциялар тўплами имкони берувчи минимал бўлиши керак;
  - дастурий воситанинг ёпиқлиги талаби;
  - дастурий восита ёрдамида ўқитишнинг очиқлиги талаби;
  - дастурий воситани кўллаб ўқитишнинг тизимлилик ва кетма-кетлилигини таъминлаш талаби, билимлар, малакалар ва кўникумаларга эга бўлишда кетма-кетлилик ва узвийликни таъминлаш мақсадида талабалар томонидан тушунчалар, фактлар ва фаолият усуллари тизимини уларнинг мантикий боғлиқлигига ўзлаштиришини назарда тутади;
- дастурий воситаларни аниқ ўқув материалига ва талабаларнинг индивидуал имкониятларига мослашишини назарда тутувчи мослаша олишлик талаби;
- ўқитишнинг онглилигини, талаба фаолиятини мустақиллилигини ва фаоллаштиришни таъминловчи талаб, у ўқув фаолиятининг конкрет мақсадлари ва масалаларини аниқ тушунча ҳолда мустақил амалларнинг дастурий воситалари билан таъминлашни назарда тутади.
- талабалар томонидан ўқув материалининг мазмун ва структурасини онгли ўзлаштирилишига эришишини назарда тутувчи ўқитиш натижаларини ўзлаштиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш талаби;
- диалог олиб боришнинг турли воситаларининг мавжудлигига фойдаланувчининг дастур билан диалогли ўзаро таъсири режимини ташкил этишини назарда тутувчи интерактивликни таъминловчи талаб;
- замонавий шахсий компьютерларнинг ўрганилаётган обьектлар, жараёнлар, ҳодисалар ва уларнинг моделларини визуаллаштиришнинг турли воситаларини кўллаш соҳасида имкониятларини амалга оширишини назарда тутувчи, ўқув ахборотини компьютерли визуаллаштиришни таъминловчи, дастурий воситаларга қўйиладиган талаблар;
- фикрлашни ривожлантириш (масалан, кўргазмали-образли, алгоритмли), мураккаб ҳолатда оптималь счимни қабул қилишини билишини шакллантиришни назарда тутувчи, талабаларнинг интеллектуал потенциалини ривожлантириш талаби;

- фойдаланувчининг дастур бўйича ишлашда ҳар бир мантиқий тугалланган босқичида ҳаракатига дастур реакциясини таъминлашни назарда тутувчи, дастурий восита билан ишлашда тескари боғланишни таъминлаш талаби.

б) аниқ ўкув предметининг ўзига хослиги ва ҳусусиятларини, мос фаннинг спецификасини, унинг тушунарлилик аппаратини, унинг қонуниятларини тадқиқоти усулларининг ҳусусиятларини эътиборга олиш заруратини назарда тутувчи дастурий воситага кўйиладиган методик талаблар;

в) ўкув курсининг мазмунини дастурий воситаларни қўллаб ўрганиш учун танлашни асослаш талаби (фақат замонавий ахборот технологиялари воситалари имкониятларини амалга оширишда эришиладиган педагогик ва методик мақсадларга асосланади).

### 2. Эргономик талаблар:

а) психологияк талаблар (талабаларнинг ёши ва индивидуал ҳусусиятларини, асаб фаолиятини ташкил этишнинг турли кўринишлари; фикрлашнинг турли кўринишлари, интеллектуал иш қобилиятини тиклаш қонуниятларини ҳисобга олиш; талабанинг дастурий восита билан ўзаро таъсирида ижобий рағбатини таъминлаш-талабаларда мурожаатнинг дўстона ва хушмуомала шакли, омадсиз уриниш ҳолларида дастурга кўп марта мурожаат қилиш имкони, дастурга ўйинли ҳолатларни жойлаштириш);

б) гигиеник талаблар (ахборотнинг тасвирига - ранглар гаммаси, аниқлик, равшанлик) тасвирининг сифатига; дастурий восита билан ишлаш тартибига, унда фойдаланувчининг кам миқдорда толиқишига эришилади);

в) сервисли талаблар (интерфейснинг қулайлиги, маълумот мазмуни экранга тўғри жойлашганлилиги - «ойнали», жадвалли, матн кўринишда, бутун экранни эгаллаган ва бошқалар).

### 3. Техник талаблар:

- соддалик;
- ишончлилик;
- тугатилганлилик;
- мобиллик;
- турли қисмлар ҳаракатининг мослиги;
- фойдаланувчининг хато ва нотўғри ҳаракатига чидамлилик;
- фойдаланувчининг таъқиқланган ҳаракатларига химояланганлик;
- дастлабки ҳолатга осонгина қайтиш имконияти;

- дастурий воситаларнинг ишлаши фойдаланиш хужжатларидан таърифга мослиги;
- фойдаланувчи харакатига вақтни камайтириш;
- техник ресурсларни самарали қўллаш (шу жумладан, ташки хотирадан);
  - дастур ишини тугатишдан аввал тизимли соҳани тиклаш;
  - локал тармоқда тарқатиш имконияти.

#### 4. Эстетик талаблар:

- дастурий воситаларнинг функционал мақсадга кўра эстетик жиҳозланганилиги мослиги;
- дастурий воситанинг вазифаси ва экологик талабларга кўра ранглар колоритининг мослиги;
- дастурий воситаларнинг графикли ва тасвирловчи элементларининг тартибилилиги ва таъсирчанилиги.

Дастурий восита ишлаб чиқиши ва қўллашига доир хужжатларни расмийлаштиришга талаблар муассаса ва ташкилотларда яратилган дастурий восита қўллаш бўйича асосий хужжатларини яратиш ва расмийлаштиришнинг ягона тартибини ўргатади.

Ўқитишида дастурий воситаларни қўллашнинг педагогик ва методик мақсадлари ва бу воситаларга қўйилган талаблар ишлаб чиқилаётган дастурий восита сифатида эгаллашини шакллантиришга йўналтирилган. Ўқув дастурий воситаларни қўллашнинг педагогик тажрибаси кўрсатадики, паст сифатли (педагогик нуқтаиназардан)дастурий воситаларни яратиш ва уларни қўллаб ўқитилган ўқув курсларининг кам самарадорлилигининг асосий сабаблари, биринчидан уларни ишлаб чиқишида ўқитишининг дидактик принципларини қисман ёки тўлик рад этиш, иккинчидан, ўқитишининг анъанавий шакл ва усулларини компьютер фойдаланувчи замонавий ўқитиш технологиясига ноқонуний ўтказиш, учинчидан, дастурий воситани предметли мазмун билан тўлдиришга ўқув материали танланиши мақсадга мувофиқ эмас. Ўқитишининг анъанавий шакллари, усуллари ва янги усулларнинг нисбати тенг бўлиши керак. Бир томондан, ахборот билан ишлаш ва билимларга мустақил эга бўлишнинг фаол шакллари энг асосийси бўлган ўқитишининг янги усуллари кўргазмали ва тасвирли-изоҳли изоҳлар ва бошқа анъанавий усулларини қисиб бормоқда. Бошқа томондан ўқитишининг анъанавий усулларини давом эттириш учун дастурий воситалар ва ўқув тизимларини кенгроқ қўллаш жараёни ўтмоқда. Шу билан бирга замонавий

ахборот технологияларининг ўқитиш мазмунига таъсири маълум; у ахборот билан бойитиш томонга ўзгармоқда.

Ўқитишида замонавий ахборот технологияларини қўллаш қўйидаги З та асосий функцияларни тўла амалга ошириш имконини беради:

1) ўрганиш фаолиятини ташқи (предметли) ва ички (ақлий) моделлаштириш йўли билан ташкил этилади;

2) ўкув фаолиятининг тўлароқ тизимини амалга ошириш, шу жумладан назорат ва унинг таҳлили;

3) ўкув жараёнининг янги шаклларини яратиш, «ўқитувчи - ўқувчи», «компьютер - фойдаланувчи», «компьютер - ўқувчилар гурухи», «ўқитувчи - компьютер - ўкувчилар гурухи» кўринишдаги ҳамкорли фаолиятни моделлаштириш. Бу асосий функциялар ўқитишида замонавий технологияларни амалий тадбиқини кучайтиради ва таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

## **2.2 . Олий таълим муассасаларида замонавий ахборот технологияларини қўллашнинг мавжуд ҳолати**

Бугунги кунда замонавий ахборот технологиялари, оммавий ахборот восьиталари (шу жумладан ахборот коммуникация технологиялари) орқали узатилаётган ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш заруриятига дуч келади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда педагогика фанида маҳсус йўналишлар-электрон педагогика, медиатаълим, электрон дарслик, электрон адабиётлар каби тушунчалар шаклланган бўлиб, улардан бири медијатаълимдир. Медијатаълим таълим олувчиларга медиамаданият оламига яхшироқ қўникишга, оммавий ахборот восьиталари тилини ўзлаштириш, медиаматнларни таҳлил қилишга ёрдам беришга йўналтирилган.

Медиатаълим масалалари А.А.Новикова [69], С.Н.Пензин [73], А.В.Шариков [91], А.В.Хоторской [90] ва бошқаларнинг ишларида қаралган.

Замонавий «Педагик лугат» да медија таълим «Оммавий коммуникация қонуниятларини ўрганиш тарафдори бўлган педагогик йўналиш» сифатида таърифланган. Медиатаълимнинг асосий масаласи янги авлодни замонавий ахборотлашган жамиятга тайёрлаш, турли ахборотларни қабул қилиш, ахборотни инсон психикасига таъсири натижаларини англаш, техник восьиталар ва замонавий ахборот технологиялар ёрдамида коммуникациянинг

новербал шакллари асосида мулокот усулларига эга бўлишни ўргатишдан иборат.

Адабиётларда келтирилишича, медиатаълим мақсадлари қуидаги таърифланган: инсонда замонавий ахборотларни қабул қилиш ва ундан фойдаланиш малакасини шакллантириш; визуал образнинг вербал нусхасини конструкциялаш кўниммасини шакллантириш; фойдаланишга таклиф этилаётган ахборотнинг семантик хусусиятларини тушуниш, очиш ҳамда ундан амалиётда фаолиятда фойдаланиш.

Таълимда компьютер технологияларидан фойдаланишни медиатаълимнинг қисми сифатида қараш мумкин, чунки улар юқорида қайд этилган барча талабларга жавоб беради. Шу билан бирга «технология» тушунчаси учун умум қабул қилинган маълум маҳсулотини ишлаб чиқиш жараёнида бирор фаолият усуллари мажмуаси сифатида қарамасдан, компьютер технологиясини ахборотларни компьютер воситалари орқали қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлашга йўналтирилган усул ва услублар мажмуаси сифатида таърифлаш ҳам мумкин.

Олий таълим муассасаларида ахборот технологияларини кўллаш масаласи билан: И.В. Беленкова [21], К.А. Вольхин [28], И.Н. Вольхин [28], Е.Н. Горбачевская [52], В.Н. Келбакиани [48], О.М. Колесников [49], Л.С. Коновалец [50], М.В. Кочетков [51], С.В. Краснов [52], О.А. Манькова [62], Е.С. Полат [78], И.В. Роберт [80], Ю.М. Цевенков [97], Г.Шампанер [92], А.Шайдук [92], А.Г. Шмелев [93], К.М. Шоломий [94], В.Ф. Шолохович [95], У.Ю. Юлдашев, А.Абдуқодиров, У.Ш. Бегимқулов, Н.Тойлоқов, Ф.Зокирова, Қ.Олимов каби олимлар шуғулланганлар.

Олий таълим тизими ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақида А.Шаммазов ва О.Беланкова каби педагоглар олий таълим тизими жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишнинг асосий масалаларини ҳал этишга ёрдам беришга йўналтирилган - деб ҳисоблайдилар, чунки айнан олий таълим муассасаси инсонни иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларидағи фаолиятга тайёрлайди. Шунинг учун ҳам олий таълим тўплаган ижобий тажрибаларни сақлаган ҳолда уларни жамиятнинг талабларига етарлича эгилувчан қилишда муҳим аҳамиятга эга [96].

В.Н. Келбакиани фикрига кўра жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш таълим парадигмасини тубдан ўзгартиради [48].

Е.С. Полат тадқиқотларида бўлажак мутахассис эга бўлиши лозим бўлган сифатлар аниқланган. Улар орасида энг муҳимлари ахборот билан ишлаш, мустақил танқидий фикрлаш, реал фаолиятда юзага келувчи муаммоларни кўра олиш ва замонавий технологияларни қўллаб уларни рационал ҳал этишнинг йўлини излаш ҳисобланади [78].

А.В. Антонов томонидан юқори малакали мутахассиснинг компьютерли тайёргарлигига қўйидаги талаблар қўйилган: маълумотлар базаси ва ахборот хизмат қўрсатиш воситаларига кириш имкониятига эгалик; ахборотларни тасвирлашнинг турли шакллари ва усулларини тушуниш; ахборотларнинг умумий тушунарли манбаларининг мавжудлиги ҳақида билиш ва улардан фойдаланишни билиш; ўзида мавжуд ахборотларни турли нуқтаи - назардан баҳолаш ва қайта ишлашни билиш; статистик маълумотни таҳлил қилиш техникаларидан фойдаланишни билиш; олдига қўйилган масалаларни ҳал этишда мавжуд маълумотларни қўллашни билиш [16].

Демак, олий таълим муассасалари ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларни қўллаш масаласи долзарб деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг алоҳида характеристика (тавсиф) ларини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Компьютерни ўқитиш воситаси сифатида қўллаш афзаликлари Е.И.Машбиц томонидан қўйидагича умумлаштирилган: - ўқув ахборотни узатиш имкониятларини кенгайтириш. Бу ерда, биринчи навбатда графикили ахборотни тақдим этишда қўргазмалилик қайд этилган. Ранглардан, графиклардан фойдаланган ҳолда анимацияларни қўллаш ҳақиқатнинг реал ҳолатини яратиш имконини беради [68];

- талабаларни ўқитиш жараёнига интерфаол сухбат ёрдамида фаол жалб этиш;

- таълим олувчи ихтиёрий вақтда ўзига қулай ёрдам шаклини: математик масалани ечиш усулларини кўриш, ўзини қизиқтирган масалалар бўйича батафсил шарҳларни, олинган ечимларни графикили тасвирлашларни талаб қилиш;

- қўлланиладиган ўқув масалалар мажмуасининг кенгайиши (турли ишлаб чиқариш масалаларини мұваффақиятли ечиш);

- танланган ечимнинг оптималлигини баҳолаш имкони, танланган стратегиясининг самарадорлиги ва доимий ечимнинг тўғрилигини назорат қилиш.

Математика ўқитиши соҳасида буни қуидаги намойиш қилиш мумкин: масала шартига кирувчи параметрлардан бирини ўзгаришиш, унга боғлиқ бошқа параметрларни шакллантиришига олиб келади ва у ўз навбатида қўйилган масала ечимини ҳамма томонлама ўрганиш имконини беради.

Айрим тадқиқотчилар эса компьютерни ўқитиши воситаси сифатида қўллашда тўсиқларга эътиборни қаратишган:

Г.Шампанер ва А.Шайдуклар қийинчиликларни компьютер технологиялари «жиддий психолого-педагогик асослар» га эга эмаслигида деб ҳисоблайдилар [92].

Е.И.Машбиц томонидан ўтказилган тадқиқотда ўкув жараёнида компьютердан фойдаланишига қарши бўлган ўқитувчилар қўлланилаётган дастурларнинг паст самарадорлигини асос қилиб кўрсатишган. Аммо, унинг фикрига кўра буни жиддий аргумент деб ҳисоблаш мумкин эмас [68].

Компьютерни қўллашда бъязи ўқитувчилар тўсиқ деб зарурмоддий техникавий базанинг йўқлигини қайд этилган ва бу ҳолатдан ўкув-махсус лабораторияларни жихозлаш йўли билан чиқиш мумкинлигини қайд этган. Е.С. Полат бу масаланинг ечими олий таълим муассасаси моддий-техник концепциясига киритилган бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Педагогика олий таълим муассасаларида компьютерни ўқитиши воситаси сифатида қўллашнинг ютуқлари ва камчиликлари ҳақидаги масалани аниқлаштириш учун биз Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Кўқон давлат педагогика институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети касбий фанлардан дарс ўтаётган жами 84 ўқитувчи билан сўров ўтказдик.

Ўқитувчиларга қуидаги З йўналиш бўйича гурухлаштирилган анкета саволлари таклиф этилди:

1. Ўқитувчининг ўкув жараёнида компьютерни қўллаш ҳусусиятларини билиши.

2. Ўқитувчининг компьютер техникасини эгаллаш даражаси.

3. Ўкув жараёнига замонавий ахборот технологияларни киритишини ўрганишга хоҳиши.


Касбий фанларни ўқитиши учун компьютерни ўқитиши воситаси сифатида қўллаш таълим жараёни сифатини оширишига ёрдам беради, деб ҳисоблаймизми?» каби саволга ижобий жавоб 100 % ни ташкил этди. Касбий фанларни ўқитишида компьютер

технологияларидан фойдаланишнинг афзалиги ва қийинчилиги ҳақидаги савол жавоблар 1-жадвалда келтирилган.


*1-жадвал*

<b>№</b>	<b>Афзаликлари</b>	<b>%</b>	<b>Қийинчиликлари</b>	<b>%</b>
1.	Графикли объектларни кўргазмали намойиш этиш имконияти ( $x_1$ )	100	Илмий-услубий ишланмаларнинг йўқлиги ( $y_1$ )	84
2.	Ҳисобларни тезлиги ва аниқлиги ( $x_2$ )	100	Компьютерни қўллаш бўйича математикадан дастурларнинг йўқлиги ( $y_2$ )	45
3.	Ўқув ахборотини тақдим этишнинг турли хиллиги ( $x_3$ )	80	Ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигининг пастлиги ( $y_3$ )	50
4.	Талабаларнинг ахборотли маданиятини ошириш ( $x_4$ )	80	Ўргатувчи дастурларнинг сифатининг пастлиги ( $y_4$ )	42
5.	Кўлланиладиган ўқув масалалар мажмуасининг кенгайиши ( $x_5$ )	80	Олий таълим муассасалари моддий-техника базасининг пастлиги ( $y_5$ )	7
6.	Математикани ўрганишга қизиқишининг ошиши ( $x_6$ )	91		
7.	Талабаларнинг мустақил фаоллигини ошириш ( $x_7$ )	91		
8.	Ҳар бир талаба учун бажарилаётган топшириқни назорат қилиш имкони ( $x_8$ )	81		
9.	Ўқитиши индивидуаллаштириш ( $x_9$ )	81		

## Афзалликлар



## Қийинчиликлар




Жавоблар таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди. Ўқитувчилар асосан компьютерни ўкув жараёнига жорий этиш билан боғлиқ муаммоларни тушунади ва бу муаммо уларнинг дикқат марказида жойлашган. Улардан кўпчилиги 87 % компьютернинг қўллашни афзалликлари математикани ўқитиш жараёнининг сифатини оширишга ёрдам беради, қийинчиликларни эса улар математика бўйича мос илмий-методик тавсиялар йўқлигига деб ҳисоблайдилар. Деярли бир хил сондаги сўров иштирокчилари (50% ва 42% мос равишда) ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигининг пастлиги ва ўргатувчи дастурлар сифатининг пастлигини муаммо қилиб қўрсатган. Бу компьютер техникасини билиш даражаси паст бўлган ўқитувчи дастурний таъминотдаги сўнгги янгиликларни, яъни энг юқори сифатли дастурний маҳсулотлар ҳақида билмаслиги билан боғлиқ.

Шу боис ўқитувчиларнинг компьютер техникасини билиш даражаси ўрганилди, бунинг учун қуйидаги саволлардан бирига жавоб бериш таклиф этилди:

- Компьютерда ишлаш ҳақидаги тасаввурга эгаман.
- Word, Excel, Access ва бошқа офис дастурлардаги хужжатлар билан ишлай оламан.
- Замонавий дастурлаш тилларидан бири билан танишман.

Биринчи саволга «ҳа» деган жавобни компьютерни билиш, иккинчисига компьютер билан ишлай олиш, учинчисига компьютерда ишлай олиш малакаси бор, деб таснифлаш мумкин.

1-даражा	Билим	19%
2-даражा	Кўнишка	56%
3-даражा	Малака	25%



Анкета натижаларига күра қуидаги диаграмма тузилган, ундан күрениб турибдики, үқитувчилар томонидан компьютерни билишини ўртачадан юқориго деб баҳолаш мумкин. Үқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги - үқитиши жараёнига ахборот технологияларини жорий этилишининг муҳим омилларидан бири.

«Математик тадқиқотларнинг компьютерли таъминоти соҳасидаги охирги тадқиқотлардан қайси бири билан танишсиз?»-деган саволга анкета сўрови иштирокчиларидан 14% компьютерли математик пакет билан таниш эканлигини қайд этишган.

Шу билан бирга кўпгина үқитувчилар (86%) замонавий ахборот технологияларига эга бўлиш истагини билдиришган ва уларга зарур бўлган ёрдам ўлчовини кўрсатишган:

- методик ишланмалар - 53%
- индивидуал маслаҳат - 23%
- малака ошириш курслари - 14%

Шундай қилиб мањбааларда ва ушбу савол бўйича үқитувчилар билан ўтказилган анкета сўрови таҳлилининг натижаларига кўра үқитиши жараёнида замонавий ахборот технологияларини жорий этишининг илмий асосларини ва кейинчалик шу асосда олий математика үқитишида компьютерни жорий этиш бўйича аниқ методик тавсияларни ишлаб чиқиш зарурлиги хulosса қилинди.

### **2.3. Амалий дастурий воситалар таълимда замонавий ахборот технологиялар воситалари сифатида**

Хозирги вақтда мавжуд замонавий ахборот технологиялари сифатида кўллаш мумкин бўлган дастурий воситаларни

функционал ва методик вазифаларга кўра таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Дастурий воситаларни функционал вазифаси бўйича тавсифланиши.

Педагогик дастурий воситалар - фойдаланувчининг компьютер билан ўкув мулокотини ташкил этиш ва давом эттириш учун мўлжалланган амалий дастурлар. Таълим олувчининг индивидуал имкониятлари ва ҳоҳишини ҳисобга олган ҳолда ўкув ахборотни тақдим этиш ва ўқитишини ташкил этишга мўлжалланган. Фойдаланувчининг дастур билан қайта боғланиши мавжудлигига янги ахборотни ўзлаштиришини назарда тутади.

Ташхисли ва тестли дастурлар. Фойдаланувчининг нотўғри ўкув ҳаракатлари сабабларини ўрганиш, унинг билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш, унинг ўқитилганлик даражаси ва интеллектуал ривожланиши даражасини аниқлаш учун мўлжалланган.

Ускунавий дастурий воситалар ўкув дастурий воситаларни куриш, ўкув-услубий ва ташкилий материалларнинг генерацияси, графикли ва мусиқали ёқишини, дастурнинг сервисли куришли яратишга мўлжалланган. Куйидагиларга бўлинади:

- назорат маслаҳати, тренингларга мўлжалланган автоматлаштирилган восита (тизим)ларни ишлаб чиқиш учун ускунавий (инструментал) тизимлар;
- ўкув дастурий восита (тизим) яратиш учун муаллифлик дастурий тизимлари;
- компьютерли моделлаштириш тизимлар (намойишли, имитацион);
- маълумотларни қайта ишлаш тизимини кўллаб ўкув ахборотни тизимлаштиришни тъминлаш;
- фойдаланувчининг талабига кўра у ёки бу ўкув масаласини ечишда мулҳозалар йўналишини таълим олувчиларга тушунарли кўринишида тақдим этиш қобилиятига эга, фойдаланувчи ва тизим орасида мулокотни ташкил этиш учун мўлжалланган эксперт ўкув дастурлар билимларни тақдим этиш воситалар сифатида.

Предметли – мўлжалланган амалий дастурий пакетлар. Ўрганилаётган обьектлар ёки уларнинг маълум фан соҳасида муносабатларини моделлаштириш имконини беради.

Ахборот маданиятни шакллантирувчи дастурний воситалар (матнларни тайёрлаш тизимлари, электрон жадваллар, графикили ва мусиқали (овозли) муҳаррир, нашрли тизимлардан иборат).

Ўкув тажриба натижаларини қайта ишлаш жараёнини автоматлаштириш учун дастурний воситалар.

Дастурлашнинг ўкув муҳити. Дастурлаш кўнимкасини бошланғич ўқитиш учун мўлжалланган.

Компьютерли предметли пакет. Юқорида санаб ўтилган дастурний воситаларнинг барча вазифаларини бажариш имкониятига эга. Уларнинг фойдаланувчидан маҳсус билимларни талаб этмайдиган юқори даражали дастурлаш тилларида фойдаланиб дастурлашга асосланган. Фойдаланувчи тузган дастурни киритиш тутмачаси босилиши билан дарҳол бажаради.

Кўплаб ўкув дастурний воситаларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Бошқарувчи дастурний воситалар-уларнинг мақсадида реал обьектлар (масалан, роботлар) нинг ҳаракатини бошқариш.

Ўқитувчиларнинг айрим вазифаларини бажарувчи дастурний воситалар (компьютер билан ишлашга боғлиқ буйруқлар, ишни якунлаш, текширишни бажариш буйруқлари).

Информацион (ахборотлашган) - методик таълимот ўкув муассасаси, ўкув юрт тизимларини иш юритишни олиб бориш жараёнини автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурний воситалар.

Ўқитиш натижаларини назорат қилиш, ташкилий-услубий материалларини генерацияси ва тарқатилиши, тармоқ бўйича дастурний воситаларни юклаш ва узатиш, машгулот, машгулотлар боришини бошқаришларни автоматлаштиришни таъминловчи сервисли дастурний воситалар.

Ўйинли дастурний воситалар. Ўкув-ўйинли фаолиятни таъминлаш мумкин.

Математикага мўлжалланган дастурний воситалар турлари.

Дастурний воситаларнинг ҳар бир турининг методик вазифаси уни қўллашнинг методик мақсадларини акс эттиради.

Ўргатувчи дастурний воситалар. Методик вазифаси-билимлар тўпламини маълум қилиш, ўкув ва амалий фаолияти кўникма ва билишни шакллантириш ва ўзлаштиришнинг зарур даражасини таъминлаш.

Дастурий восита (тизим) - тренажёрлар. Ўкув фаолияти билим, кўнкма ва малакаларни қайта ишлаш, мустақилликни амалга ошириш учун мўлжалланган.

Назорат қилувчи дастурий воситалар. Ўкув материалини ўзлаштириш даражасини назорат (ўз-ўзини назорат) қилиш учун мўлжалланган.

Информацион (ахборотлашган)-қидирувчи дастурли тизимлар, ахборотлашган-маълумотли дастурий воситалар. Методик вазифаси-ахборотни тизимлаштириш бўйича билим ва кўнкмаларни шакллантириш.

Иммитацион, моделлаштирувчи дастурий воситалар. Объект ёки ҳодисаларнинг характеристикаларини ўрганиш мақсадида компьютерли моделлаштириш.

Намойишли дастурий воситалар ўкув материалини кўргазмали тақдим этиш имконини беради.

Ўкув-ўйинли дастурий воситалар ўйинли ҳолатларни амалга ошириш учун, ўкув ҳолатини «ўйин орқали» (масалан, оптималь ечимни қилиш мақсадида).

Кўнгил очар дастурий воситалар, ўқитишдан ташқари фаолиятда қўлланилади, эътибор, реакция, хотирани ривожлантириш мақсадига эга.

Хозирги вақтга қадар ишлаб чиқилган компьютерли пакетлар ичida энг мукаммаллари-компьютерли математик пакетлардир.

Компьютерли математик пакетлар ҳисоблаш пакетлари синфига киради. Ҳисоблаш пакети - ҳисоблашга доир математик масалаларни автоматик ечишга мўлжалланган электрон қобиқ. Фойдаланувчи ўз масаласи шартларини (дастурларни) киритиш йўли билан бу қобиқни тўлдиради ва ундаги алгоритмлар бўйича масала счилади. Ҳисобли муҳит ёрдамида фойдаланувчи энг кам вақт сарфлаб масала ечиш жараёнини ташкил этиш.

Ҳисоблаш пакетларини шартли универсал ва маҳсуслаштирилганларга ажратиш мумкин.

Универсал ҳисоблаш пакетлар математик таърифланган масалаларни интерпритаторлар ва компиляторларни қўллаб юқори даражали тилларда дастурлаш йўллари билан ечиш имкониятини беради. Универсал муҳитлар фойдаланувчига маълум дастурлаш тили миқёсида эркин ҳаракатни тақдим этади, аммо улар билан ишлашда шу тилларни билиш, дастурлаш кўнкмалари ва ҳисоблаш математика усулларига эга бўлишни талаб этади.

Махсус ҳисоблаш пакетлари дастурлашни билмайдиган фойдаланувчиларга йўналтирилган бўлиб, улар қайта ишловчилар ва аналитик ҳисоблашлар тизимларга эга.

Биринчиси, жадвалли маълумотларни (электрон жадваллар) ёки графикли маълумотлар (графикли мұхитлар) ни қайта ишлаш билан боғлиқ. Аналитик ҳисоблашлар тизими (ёки Компьютерли математик пакетлари) умумий вазифали тизимлар ва махсус аналитик ҳисоблашлар тизимига (масалан, полиномлар, квант электродинамика тенгламалар, ...) бўлинади. Компьютерли математик пакети- шартлари фойдаланувчиларнинг махсус танланган тилида берилган математикага йўналтирилган масалани технологик ягона ва ёпиқ қайта ишлашни автоматлаштиришни таъминловчи мажмуя дастурий восита. Компьютерли математик пакетлари муаммоли - мўлжалланган характеристерга эга, яъни ҳар бир тизим масалаларнинг аниқ синфига йўналтирилган. Бундай тизимлар (улар қисқача «пакетлар» деб номланади) етарлича кенг доирада умумий имкониятлар ва ўхаш масалаларга эга бўлса ҳам турли ёндошиш ва базали алгоритмларга асосланган. Масалан, Еureca пакети чизиқли бўлмаган тенгламалар системасини ечишни минималлаштириш алгоритм асосида курилган, Derive пакети асосан белгили ҳисоблашларга мўлжалланган, Mathcad пакети етарлича кучга ва универсалликка эга бўлиб, табиий математик тилга яқин киритиш тилини қўллашга мўлжалланганлиги билан характеристланади, Matlab пакети матрицани ва векторни ҳисоблашларга мўлжалланган ва ҳоказо (табиийки мұхитларнинг ҳар бири фақат санаб ўтилган операцияларни бажариш билан чегараланмайди). Компьютерли математик пакетлари учун умумий хосса-фойдаланувчи мурожаат қўлмайдиган алгоритмлар ёрдамида барча имкониятлари амалга оширилиши, шу сабабли Компьютерли математик пакетлари билан ишлашда паст даражали дастурний воситаларни қўллаш зарурияти йўқ. Компьютерли математик пакетлари кўпойнали интерфейс, фойдаланиш бўйича маълумотли тизимларга эга замонавий дастурний маҳсулотлардир ва фойдаланувчи билан интерфаол ўзаро таъсирини назарда тутади.

Компьютерли математик пакетлар - Компьютерли математик пакетлари хоссалари универсал ҳисоблаш пакетларни бирлаштирувчи интеграллашган дастурний маҳсулотлар. Бу (кўринишдан, содда) бирлашиш уларни нафақат оддий ҳисоблаш пакети, балки суперуниверсал инструментал дастурний воситалар даражасига

кўтарида, барча функцияларга яна илмий излаш имконияти қўшилади.

Ушбу ишда кенг тарқалган компьютерли математик пакетлар ва ҳозирги вақтда анча мукаммаллаштирилган Wolfram Mathematica пакети (4.3, 5.5 ва 7.0 версиялари) батафсил қараб чиқилган.

Бу параграфда математика ва математик масалалар таърифланган барча табиий фанлар предметларини ўқитишда замонавий ахборот технологияларини кўллашда математик пакетларнинг ўрнини аниқлаб чиқамиз. Шунинг учун компьютерли математик пакетлардан фойдаланувчи эга бўлиши мумкин бўлган имкониятларининг қисқача таснифи зарур. Шу мақсадда «Wolfram Mathematica» компьютерли математик пакетини имкониятлари билан танишиб чиқамиз. Wolfram Mathematica пакети ёрдамида:

1) сонли (аниқ-ихтиёрий синф бирлиги билан, тажрибий-фойдаланувчи томондан берилган аниқлик билан), аналитик ёки белгили (алгебраик ифодалар билан амаллар, тенгламаларни ечиш, дифференциаллаш, интеграллаш ва бошқалар) барча ҳисоблашларни бажариш ва хужжатлаштириш;

7. Help and Setting- панелнинг бу бўлимида шу панел ҳақидаги маълумотлар, уни кўлланилиши, қонун-қоидалари ва ҳоказо маълумотлар мужассамлаштирилган.

**«Wolfram Mathematica»да ҳисоблашларини ташкил этиш.** Бутун ва ҳақиқий сонлар устида амаллар. «Wolfram Mathematica» да ҳисоблаш учун керак бўлган амаллар кетма-кетлиги ёки ўқиш учун керак бўлган матн ишчи соҳага ёзилади. «Wolfram Mathematica» да бажариш учун берилган маълумотни киритгандан сўнг **«shift-enter»** клавишиларини ёки қўшимча асисстент калкулятор клавиатурасидаги **«Enter»** клавишини босиш зарур. Бундан кейинги баёнларимизда қуйидагича келишиб оламиз, яъни киритиш ва чиқариш белгилари - **In[n]** ва **Out[n]** тушириб қолдириб

киритиладиган маълумотларни қуюқ қора рангда, олинадиган натижаларни эса оддий рангда белгиланишини эслатиб ўтамиз.

In[1]:= 5^40  
Out[1]= 9 094 947 017 729 282 379 150 390 625  
  
In[2]:= 8^256  
Out[2]= 5 922 386 521 532 855 740 161 817 506 647 119 732 283 018 558 947 359 509 044 845 726.  
112 560 091 729 648 156 474 603 305 162 988 578 607 512 400 425 457 279 991 804 428.  
268 870 599 332 596 921 062 626 576 000 993 556 884 845 161 077 691 136 496 092 218.  
188 572 933 193 945 756 793 025 561 702 170 625  
  
In[3]:= % + 1  
Out[3]= 5 922 386 521 532 855 740 161 817 506 647 119 732 283 018 558 947 359 509 044 845 726.  
112 560 091 729 648 156 474 603 305 162 988 578 607 512 400 425 457 279 991 804 428.  
268 870 599 332 596 921 062 626 576 000 993 556 884 845 161 077 691 136 496 092 218.  
188 572 933 193 945 756 793 025 561 702 170 625

Дастрраб «Wolfram Mathematica» дан калкулятор сифатида фойдаланиш қоидалари билан танишамиз. «Wolfram Mathematica» компьютерлий математик пакети бутун қийматли маълумотлар устида амаллар бажарганда, амаллар ўта аниқликда бажарилади: Масалан,

Бу ерда % - белги олдинги натижадан фойдаланилганлигини кўрсатади. Ихтиёрий асосли сонлар устида амаллар бажарилганда куйидаги конструкциядан фойдаланилади:

Асос, сон, яъни асос - қайси саноқ системасидаги сон ва у ўнлик саноқ системасидаги неча сонига тўғри келишини аниқлайди.

In[1]:= 2^^10101111011  
Out[1]= 1 4 0 3

Демак, юқоридагидан шуни англашимиз мумкинки, иккилий саноқ системасидаги 10101111011 сони ўнлик саноқ системасидаги 1403 сонига тўғри келар экан.

- тизим ядросига бириктирилган функциялар (элементтар ва маҳсус функциялар) нинг номлари бош ҳарфлар билан бошланиши шарт;

- грек алфавитининг ҳарфлари лотин ҳарфлари ёрдамида (айтилишига кўра) ёзилади;

- кичик (думалоқ-(..)) қавслар ифодаларнинг қисмларини ажратиш, ўрта қавс (квадрат-[..]) лар функцияларнинг аргументларини тасвирлаш, катта (фигурали-{...}) қавслар эса рўйхатларни белгилаш учун ишлатилади.

Рўйхатлар, массивлар ва объектлар. Тизимда ишлатиладиган мураккаб маълумотларни умумий кўринишда, яъни рўйхатлар (lists) кўринишида ифодалаш мумкин. Улар вектор ва матрицалар каби қуидаги кўринишларда берилади:

- {1, 2, 3} — 3 та бутун сондан иборат рўйхат;
- {a, b, c} — 3 та символли маълумотдан иборат рўйхат;
- {1, a, x<sup>2</sup>} — турли типли маълумотлар иборат рўйхат.

Умумий ҳолда «Wolfram Mathematica» компьютерли математик пакетида фойдаланиладиган объектларнинг номлари (идентификаторлари) ни қуидагича фарқлаш мумкин:

Sssss - фойдаланувчи томонидан берилган объектнинг номи;

Sssss - тизим ядросидаги объектнинг номи;

\$Sssss - тизим объектининг номи.

Тизим ядросидаги барча объектларнинг номларини?\* буйруқ ёрдамида

ёки? S \* буйруқ ёрдамида аниқлаш мумкин, бу ерда С - лотин алфавитининг ихтиёрий ҳарфи. Худди шу мақсадда, Name [[S]] функциясидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, Names [[A\*]] функцияси ёрдамида А ҳарфи билан бошланувчи барча хизматчи сўзларнинг рўйхатини олиш мумкин. Бундан ташқари? Name буйруғи ёрдамида Name номи билан бошланувчи ихтиёрий таъриф ёки кўрсатмалар ҳақида маълумот олиш мумкин.


**Функциялар, калитлар, атрибутлар ва директивалар.** Энг муҳим объектлардан бири функциядир. Функциянинг бошқа объектлардан фарқи шундаки, у ўз номи ва формал параметрларига эга бўлади. Функцияга мурожаат қилганда унинг формал параметрларининг ўрнига ҳақиқий параметрларнинг қийматлари бўйича мурожаат қилинади. Умумий кўриниши:

*Функция идентификатори /01, 02, 03, .../*

Бу ерда 01, 02, 03, ... — параметрлар, ифодалар ва шунга ўхшашлар бўлиши мумкин. Улар квадрат қавсда бир-биридан вергуллар билан ажратилиб берилади.

Функция параметрлари орасида маҳсус объектлар - калитлар ҳам бўлиши мумкин. Калитларларнинг умумий кўриниши: Калитнинг номи  $\rightarrow$  Калитнинг қиймати. Калитнинг қиймати қандайдир сўз ҳам бўлиши мумкин. Масалан: функция графигини ясаш учун хизмат қиласидиган:

**Plot[sin[x], {x,0,20}, Axes->None]**, бу ерда параметр **Axes->None** координаталар чизигини йўқлигини, яъни бекор қилинишини англатади.



Options[name] функцияси ёрдамида наме идентификаторли функция учун барча мумкин бўлган калитлар рўйхатини олиш мүмкин. Баъзи функциялар (**Sin**) умуман калитга эга бўлмаслиги, баъзиларида эса (**Solve**), бир нечта калитлар бўлиши мумкин.

Ҳар бир объект атрибут деб аталувчи хусусиятлари ва белгилари (аломатлари) билан характерланади. Attributes [name] функцияси name номли функциянинг барча атрибутларини рўйхатини беради. Масалан:

Бундан ташқари «Wolfram Mathematica» компььютерли математик пакетида **direktiva** тушунчаси ҳам мавжуд. Бу **direktiva** лар ҳеч қандай функциянинг қийматини ҳисобламайди, балки бу функцияларнинг кейинги ҳисоблашларда қандай бажарилишини кўрсатиб беради.

```
In[1]:= Attributes[Cos]
Out[1]:= {Listable, NumericFunction, Protected}
```

Үзгармаслар, ўлчовли катталиклар ва үзгарувчилар. «Wolfram Mathematica» да қуидаги номланган үзгармаслардан фойдаланилади:

- **Complex Infinity** - комплекс чексизлик;
- **Degree** -  $\pi /180$  қийматга эга ва бир градусдаги радианларнинг сони;
- **E** -натурал логарифмнинг асоси- $2,71828\dots$ ;
- **EulerGamma** - Эйлер үзгармаси -  $0,577216\dots$ ;
- **i** - мавхум бирлик-  $\text{sqrt}[-1]$  ёки  $\sqrt{-1}$ ;
- **Infinity** – «мусбат» чексизлик (минус ишораси олдида турган бўлса «манфий чексизлик»);
- **Catalan** - Katalan үзгармаси -  $0,915966\dots$ ;
- **Pi** —  $\pi$  сони.

```
In[4]:= {EulerGamma, Khinchin, Catalan, E, Pi, Glashier}
Out[4]:= {0.577216, 2.68545, 0.915966, 2.71828, 3.14159, 1.28243}
```

Бундан ташқари «Wolfram Mathematica» тизими физик ва химик ҳисоблашларда кенг кўлланиладиган ўлчовли бирликлар билан амаллар бажариш қобилиятига эга.

«Wolfram Mathematica» тизимидағи барча үзгарувчилар, агар маҳсус кўрсатма бўлмаса, глобал характерга эгадир. Куйида үзгарувчиларга қиймат беришнинг асосий усуллари билан танишамиз:

- $x = \text{value}$  —  $x$  үзгарувчига value қиймати берилди;
- $x = u = \text{value}$  —  $x$  ва  $u$  үзгарувчиларга value қиймати берилди;
- $x: = \text{value}$  —  $x$  үзгарувчига value қиймати кечиктирилиб берилади;

- $x = \dots$  —  $x$  ўзгарувчининг олдинги ҳолати бекор қилинади.

Мисоллар:

- $g = \text{Plot} [\text{Sin}[x], \{x, 0, 20\}]$  -  $g$  ўзгарувчига қиймат график объект сифатида берилди;
- $u = 1 \ Q \ x^2 - u$  ўзгарувчига символли қиймат  $(1 + x^2)$  ифода кўринишида берилди;
- $z = \{1, 2, x, a \ Q \ b\}$  -  $z$  ўзгарувчига қиймат 4 та элементдан иборат рўйхат сифатида берилди.

Қиймат бериш операторлари қ ва :к фарқларини англаш учун қуидаги мисол билан танишамиз:  $a=12$  нинг натижаси - 12,  $b:=15$  нинг натижаси Ҳар хил сатрларда б ва 15 га teng.

Ўрнига қўйиш амали ва фойдаланувчи функцияси. Wolfram Mathematica тизимида ўрнига қўйиш амали белгилар комбинацияси- /. (slesh ва нукта) ёрдамида амалга оширилади: expp /.  $x \rightarrow \text{value}$ —expp ифодада  $x$  ўзгарувчининг ўрнига  $\text{value}$  қиймати қўйилади; ёки expr G` . { $x \rightarrow \text{x value}$ ,  $u \rightarrow \text{y value}$ };

```

In[3]:= 1 + x^2 /. x → 1 + t
Out[3]:= 1 + (1 + t)^2

In[4]:= x^2 + 2 x + 3 /. x → 2
Out[4]:= 11

```

Умуман олганда ўрнига қўйиш (rule) амалида қуидаги икки усул қўлланилади:

- lhs  $\rightarrow$  rhs — lhs тўғридан тўғри rhs ўрнига қўйилади;
- lhs :  $\rightarrow$  rhs — кечиктирилган ўрнига қўйиш (ruledelaed), бунда lhs - rhs билан алмаштирилади:

```

In[7]:= x := 1 + x^2 + 3 x^3
x /. x → 1 + u
Out[8]:= 1 + (1 + u)^2 + 3 (1 + u)^3

```

## Мисоллар:

```
In[1]:= Divide[1, 3]
Out[1]= 0.333333

In[2]:= Mod[123, 20]
Out[2]= 3

In[3]:= Mod[123, 20]
Out[3]=-17

In[4]:= Mod[-123, 20]
Out[4]= 17

In[5]:= Plus[2, 3, 4]
Out[5]= 9

In[6]:= Times[2, 3, 4]
Out[6]= 24
```

Х ва у ларнинг қийматларини ўрнини алмаштириш мақсадида  $\{x, y\} = \{y, x\}$  ёзувдан фойдаланиш мумкин. Куйидаги функциялар хақиқий сонларни маълум бир қоидалар бўйича уларга яқин бутун сонлар билан алмаштириш учун хизмат қиласди:

- **Ceiling[x]** - x дан катта ёки teng бўлган энг кичик бутун сонни аниқлайди;
- **Floor[x]** - x ga кичик ёки teng бўлган энг катта бутун сонни аниқлайди;
- **Quotient[n, m]** - n/m нисбатни бутун қийматини, Floor[n/m] дагидек аниқлайди;
- **Round[x]** - x энг яқин сонгача яхлитлади.
- 

```
In[2]:= Ceiling[{-5.9, -5.1, 5, 5.1, 5.9}]
Out[2]= {0, 5, 5, 6, 6}

In[3]:= Floor[{-.5, .9, 5.1, 5, 5.1, 5.9}]
Out[3]= {-1, 0, 5, 5, 5}

In[4]:= Round[{-5.9, -5.1, 5, 5.1, 5.9}]
Out[4]= {-6, 5, 5, 6}
```

Юқоридаги функцияларнинг аргументи фақат битта қийматдан иборат қилиб кўрсатилган бўлсада уларнинг аргументлари рўйхатлардан ҳам иборат бўлишини уқтириб ўтамиз. Мисоллар:

Баъзи функциялар бутун сонларнинг бўлувчиларини топиш ва ЭКУК ини топиш имкониятини беради. Масалан:

- **Divisors[n]** - n соннинг бўлувчилари рўйхатини беради;
- **DivisorSigma[k,n]** - n соннинг мусбат бўлувчиларининг k-даражалари йигиндисини аниқлайди;
- **ExtendedGCD[n, m]** - n ва m сонларининг кенгайтирилган ЭКУБ ини аниқлайди;
- **GCD[n1, n2, ...]**- бир нечта мусбат сонларни ЭКУБ ини аниқлайди;
- **LCM[n1, n2,...]**- бир нечта мусбат сонларни ЭКУК ини аниқлайди.

```
In[20]:= Divisors[1729]
Out[20]= {1, 7, 13, 19, 91, 133, 247, 1729}

In[29]:= DivisorSigma[2, 20]
Out[29]= 546

In[30]:= ExtendedGCD[3, {5, 15}]
Out[30]= {{1, {2, -1}}, {3, {1, 0}}}

In[31]:= GCD[64, 28]
Out[31]= 4

In[32]:= LCM[64, 28]
Out[32]= 448
```

Бутун қийматли функциялар туркумига Factorial[n] ёки n! ларни киритиш мумкин.; Factorial2[n] ёки n!! - иккиланган факториалларни ҳисоблайди:

Натижадаги \ - белги кейинги символларни кейинги қаторга ўтказиш кераклигини қўрсатади.

```
In[33]:= 28 !
Out[33]= 304 888 344 611 713 860 501 504 000 000 .

In[34]:= 28 !!
Out[34]= 1 428 329 123 020 800
```

```

In[6]:= z1 := 2 + 3 i
z2 := 4 + 5 i
N[z1 + z2]
Out[7]= 6. + 8. i

In[8]:= Re[z1 + z2 I]
Out[9]= 2

```

**Математик таҳлилиниг амалларини «Wolfram Mathematica» да ҳисоблаш.** Ушбу параграфда дифференциал ва интеграл ҳисоб курсининг баъзи амалларини «Wolfram Mathematica» компьютерли математик пакетида сонли ва символли ҳисоблашнинг баъзи хусусиятлари билан шугулланамиз.

Йигиндини ҳисоблаш:

**Sum[f,{ i,imax}]**- бу функция  $f$  ифоданинг қийматлари йигиндисини  $i$  ўзгарувчи 1 дан  $imax$  гача бир қадам билан ўзгарганда ҳисоблайди ёки бошқача қилиб айтганда

$$\sum_{i=1}^{imax} f_i$$

йигиндининг сонли қиймати топилади;

**Sum[f,{ i ,imin,imax}]** - бу функция  $f$  ифоданинг қийматларини йигиндисини  $imin$  ўзгарувчи  $imax$  гача бир қадам билан ўзгарганда ҳисоблашга имкон беради;

**Nsum[f,{ i ,imin,imax}]**- бу функция  $f$  ифоданинг йигиндининг сон қийматини ҳисоблайди.

Мисоллар:

```

In[11]:= Sum[i^2, {i, 1, 25}]
Out[11]= 5525

In[12]:= Sum[i^2, {i, 1, 10}, {j, 1, 5}]
Out[12]= 5525

In[13]:= Sum[xi yi, {i, 1, 4}, {j, 1, 4}]
Out[13]= x1 y1 + x2 y1 + x3 y1 + x4 y1 + x1 y2 + x2 y2 + x3 y2 + x4 y2 +
x1 y3 + x2 y3 + x3 y3 + x4 y3 + x1 y4 + x2 y4 + x3 y4 + x4 y4

```

## Күпайтмани ҳисоблаш.

Күпайтмани ҳисоблаш **Product** арифметик функцияси орқали амалга оширилади ва **Sum** функцияси каби қўлланилади:

In[14]:=  $\prod_{i=1}^{10} i$   
Out[14]= 3 628 800

In[17]:= NProduct[i^2, {i, 1, 2, 0.2}]  
Out[17]= 93.6405

In[18]:= Product[Log[i], {i, 2, 5, 0.5}]  
Out[18]= 2.9334

Ҳосилани ҳисоблаш.

Функция ҳосиласини ҳисоблаш учун куйидаги функциялардан фойдаланилади

- **D[f,x]**- x бўйича f ифодадан ҳосила олади;
- **D[f,{x,n}]**- x бўйича f ифодадан n- тартибли хусусий ҳосила олади;
- **D[f,{x1,x2,...}]**- x1, x2, ..., xn ўзгарувчилар бўйича f ифодадан аралаш ҳосила олади;
- **Dt[f, x]** - f функциядан x бўйича умумлашган ҳосилани ҳисоблайди.

Ҳосилани ҳисоблаш учун «Wolfram Mathematica» да қуйидаги функция ҳам ишлатилади. **Derivative[n1,n2,...][f]** - f ифодадан биринчи ўзгарувчи бўйича 1 марта, иккинчи ўзгарувчи бўйича n2 марта ва x-к ҳосилаларни ҳисоблайди. Мисоллар:

In[19]:= D[x^2 Cos[x], x]  
Out[19]= 2 x Cos[x] - x^2 Sin[x]


In[20]:= D[BesselJ[2, x], x]  
Out[20]=  $\frac{1}{2} (\text{BesselJ}[1, x] - \text{BesselJ}[3, x])$

## Интегрални ҳисоблаш

«Wolfram Mathematica» компьютерли математик пакетида аниқ ва аниқмас интеграллар ҳисоблаш **Integrate** функцияси орқали амалга оширилади.

- **Integrate[f,x]**- f ифодадан x бўйича аниқмас интегрални ҳисоблайди;


- **Integrate[f,{x,xmin,xmax}]**-f ифоданинг x min дан x max гача аниқ интегралини ҳисоблайди;



- **Integrate[f,{x,xmin,xmax},{y,ymin,ymax}]**- f ифодадан икки карралы интегрални ҳисоблайди.

### Лимитни ҳисоблаш.

Лимитни ҳисоблаш - **Limit[ифода, параметр]** функцияси орқали амалга оширилади:



Функцияларнинг номларини ифодаларнинг олдига ёки баъзи қисмларига жойлаштириш. «Wolfram Mathematica» компьютерли

математик пакетида функциялар ўзларининг номлари (одатда -f) ва функционал бөгликини кўрсатувчи  $ex^{\alpha}$  ифодалар билан характерланади. Кўп ҳолларда функцияларга мурожаат қилинганда натижа сифатида ифоданинг қиймати (сонли ёки символли) олинади. Шундай бўлсада «Wolfram Mathematica» компьютерли математик пакетининг охирги модификацияларида функция тушунчаси анча кенгайтирилган. Бошқача қилиб айтганда, натижа сифатида нафақат сонли ёки символли ифодалар, балки ҳар қандай объектни, яъни график ва овозли обьектларни олиш мумкин. Айтиш мумкинки, «Wolfram Mathematica» тизимининг мулоқот тили функционал дастурлаш принципларига амал қилган ҳолда ифодаларнинг тасвирланиши тўлиқ шаклда бўлиши кўзда тутилган.

Математик муносабатларни «Wolfram Mathematica» да берилиши. Символли шакл алмаштиришлар жуда ҳам кўп қоида ва формуулаларга асосланиб амалга оширилади. Бу формула ва қоидалар кўп томонли маълумотнома ҳамда қўлланмаларда келтирилган. Бу қоидаларнинг жуда ҳам кўпчилиги тизимнинг ядросига киритиб қўйилган. Агар қўпол хатолар учраса, у ҳолда шу хатолик ҳақида маълумот берилади ва ҳисоблаш жараёни тўхтатилади. Агар тизим нуқтаи-назаридан хатоликларга дуч келинса ёки хато борлигига шубҳа тушса, у ҳолда огоҳлантирилувчи маълумотлар чоп этилиб ҳисоблаш давом эттирилади. Агар фойдаланувчи учун керакли формула ёки қоида тизим ядросида мавжуд бўлмаса, у ҳолда бу формула ёки қоидани фойдаланувчи ўзи ҳосил қилиши мумкин. Шундай қилиб мавжуд формулалар мажмуасини кенгайтиришга эҳтиёж сезилади.

Бу маълумотларда тизим ҳар эҳтимолга қарши ҳатолик борлиги ҳақида огоҳлантирувчи маълумот беради. Бунга аҳамият бермасдан, берилган қонуниятни мисолларда бажарилишини текшириб кўрамиз:

**Компьютер алгебраси функциялари.** Компьютер алгебраси тизимлари (Wolfram Mathematica, Matlab, Maple, Mathcad ва ҳ.к.) учун характерли бўлган шундай функциялар мавжудки (Simplify, Expand, Collect, Factor ва ҳ.к.), улар мураккаб шакл алмаштиришлар учун қўлланилади ҳамда деярли ҳар бир тизимда учрайди. Ушбу бўлимда шундай функциялар билан танишамиз.

**Ифодаларни соддалаштириш (Simplify).** Математик ифодаларни соддалаштириш - ҳисоблаш учун қулай шаклга келтириш символли математика муҳим масалалардан биридир.

Ифодаларни соддалаштириш учун асосан **Simplify[expr]** функцияси қўлланилади.

Энди шу функцияning қўлланилишига доир мисоллар билан танишайлик.

**FullSimplify** функцияси ифодаларни тўла ҳолда соддалаштириш фойдаланилади. Унинг имкониятлари анча кенгdir. Масалан бу функция мураккаб ифодаларни ҳамда маҳсус функциялар қатнашган ифодаларни соддалаштириш учун жуда қўл келади:

The screenshot shows a software window with a menu bar and toolbars. The main area contains the following Mathematica-style code:

```
In[1]:= Simplify[a^2 - 2 a b + b^2]
Out[1]= (a - b)^2

In[2]:= Simplify[Sin[x - y] + Sin[x + y]]
Out[2]= 2 Cos[y] Sin[x]

In[3]:= Simplify[e^x e^y]
Out[3]= e^{x+y}

In[4]:= A := (Cos[4 x] - 4 Cos[2 x] + 3)
          4 Cos[2 x] + Cos[4 x] + 3
Simplify[A]
Out[5]= Tan[x]^4
```

Куйида ифодаларни ёйиш (**Expand**) учун фойдаланиладиган функцияларнинг баъзилари келтирилган:

**ComplexExpand[expr]** - уехт ифоданинг барча ўзгарувчилари бўлганда ифодани очиш (ёйиш) учун хизмат қиласди;

**FunctionExpand[expr]** - уехт ифода маҳсус функцияларни ўз ичига олса, ушбу функция қўлланилади;

**Expand[expr ]** - уехт ифодада мусбат бутун даражалар қатнашганда очиш учун хизмат қиласди;

Мисоллар:

```

In[1]:= Expand[(x - a) (x - b) (x - c)]
Out[1]= -a b c + a b x + a c x + b c x - a x2 - b x2 - c x2 + x3

In[3]:= Expand[Sin[x] (1 - Cos[x2])]
Out[3]= Sin[x] - Cos[x2] Sin[x]

```

Тригонометрик ифодаларни соддалаштириш. Юқоридаги функцияларни тригонометрик функциялар қатнашган ифодаларни соддалаштириш учун ҳам күлласа бўлади. Аммо, шундай маҳсус функциялар борки, булар ёрдамида тригонометрик ифодаларни ёки маҳсус функциялар қатнашган ифодаларни осонгина соддалаштиrsa бўлади. Бундай функцияларнинг номларида Trig сўзи қатнашган бўлади.

**TrigExpand[expr]**, функцияси билан танишамиз:

Мисоллар:

```

In[4]:= TrigExpand[Sin[x + y]]
Out[4]= Cos[y] Sin[x] + Cos[x] Sin[y]

In[5]:= TrigExpand[Cos[3 x]]
Out[5]= Cos[x]3 - 3 Cos[x] Sin[x]2

```

Яна қўйидаги иккита функция ҳам жуда кўп кўлланилади:

- **TrigToExp[expr]**- тригонометрик ифодани экспоненциал кўринишга ўзгартиради;
- **ExpToTrig[expr]** - экспоненциал ифодани тригонометрик кўринишга ўзгартиради;
- **TrigFactor [yexpr]**- тригонометрик ифодани оддий кўпайтма шаклга келтиради;
- **TrigReduce[expr]** - функцияси тригонометрик функцияларнинг кўпайтмаси қатнашган ифодаларни соддалаштириш учун ишлатилади:

```

In[6]:= TrigReduce[2 Sin[x] Cos[y]]
Out[6]= Sin[x - y] + Sin[x + y]

In[7]:= TrigReduce[Cosh[x] Tanh[x]]
Out[7]= Sinh[x]

```

Күпхадлар ва улар устида амаллар. Сонларни, математик ифодаларни айниңса күпхадларни күпайтувчиларга ажратиш номларида Фастор сўзи қатнашган куйидаги функциялар хизмат қиласди:

**Factor[poly]** - poly күпхадни күпайтувчиларга ажратади;

**FactorInteger[n]** - n бутун сонни туб күпайтувчиларга ажратади;

Мисоллар:

```

In[8]:= Factor[x^3 - 6 x^2 + 11 x - 6]
Out[8]= (-3 + x) (-2 + x) (-1 + x)

In[9]:= Factor[x^3 - 6 x^2 + 21 x - 52]
Out[9]= (-4 + x) (13 - 2 x + x^2)

```

«Wolfram Mathematica» да чизиқли алгебра элементлари ва оптималлаштириш масаласи. Массив тушунчаси. «Wolfram Mathematica» да массивлар. «Wolfram Mathematica» компьютерли математик пакетида массивлар, векторлар ва матрицалар билан ишлайдиган күплаб функциялар мавжуд. Ушбу мавзуда чизиқли алгебра масалаларини ечишда кўлланиладиган функциялар билан танишамиз. Массивларни тасвирлаш учун асосан куйидаги функциялар ишлатилади:

**Array[f,n]** - n та элементли рўйхатни f[i] ҳосил қилиш учун кўлланилади;

**Array[f, {n1, n2, ...}]** - f[i1, i2, ...] элементли ичма-ич рўйхат кўринишдаги n1xn2x... элементли массивни ҳосил қилиш учун кўлланилади;

**Array[f, dims, origin]** - dims ўлчовли рўйхатни (оригин хусусиятли);

Массивларнинг берилишига мисоллар:

The screenshot shows a Mathematica notebook window with several input and output cells. The code includes:

```
In[17]:= Array[Exp, 4]
Out[17]= {e, e^2, e^3, e^4}

In[18]:= N[%]
Out[18]= {2.71828, 7.38906, 20.0855, 54.5982}

In[19]:= Array[f, {3, 3}]
Out[19]= {{f[1, 1], f[1, 2], f[1, 3]}, 
          {f[2, 1], f[2, 2], f[2, 3]}, 
          {f[3, 1], f[3, 2], f[3, 3]}}

In[20]:= Array[Sin, 3, 0]
Out[20]= {0, Sin[1], Sin[2]}

In[21]:= Array[Sin, 4, 1, Plus]
Out[21]= Sin[1] + Sin[2] + Sin[3] + Sin[4]
```

### Чизиқли алгебранинг амаллари учун мўлжалланган функциялар

Куйидаги функциялар чизиқли алгебра элементларида кўлланиладиган асосий амаллар (векторлар ва матрикалар устидаги асосий амаллар)ни бажаради:

**Cross[v1, v2, v3, ... ]** - векторларни кросс-кўпайтириш учун кўлланилади. ( $v_1 \times v_2 \times v_3 \times \dots$  кўринишда ҳам берилиши мумкин);

**Det[m]** - $m \times m$  ўлчовли квадрат матрицанинг детерминанти (аниқловчиси) ни хисоблаш учун кўлланилади;

**DiagonalMatrix[lits]** - lits рўйхатнинг элементларидан иборат диагонал матрицани ҳосил қилиш учун кўлланилади;

**Dot [a,b,s]** - a, b ва s векторлар(матрикалар ёки тензорларни) кўпайтириш учун хизмат қиласди; (кўпайтириш амали a. b. s кўринишда ҳам берилиши мумкин);

**Eigenvalues[m]** - берилган квадрат m матрицанинг хусусий қийматлари ва хусусий векторларини рўйхатини ҳосил қилиш учун хизмат қиласди;

**Eigenvalues[m]** - берилган квадрат  $m$  матрица хусусий қыйматлари рўйхатини ҳосил қилиш учун хизмат қиласди;

**Eigenvectors[m]** - берилган квадрат  $m$  матрицанинг хусусий векторларининг рўйхатини ҳосил қилиш учун хизмат қиласди;

**IdentityMatrix[n]** -  $n \times n$  ўлчовли бирлик матрицани ҳосил қилиш учун хизмат қиласди (бунда бош диагонал элементлари фақат 1 дан, колгандари эса фақат 0 дан иборат бўлади);

**Inverse[m]** - берилган квадрат  $m$  матрицанинг тескарисини, яъни  $m^{-1}$  ни ҳосил қилиш учун хизмат қиласди; ( $(m \times m^{-1}) = \text{тэнглик бажарилади}$ );

**LinearSolve[m, b]** -  $m \cdot x = b$  кўринишдаги чизиқли алгебраик тенгламалар системасининг ечими  $x$  векторни топиш учун хизмат қиласди;

**MatrixPower[m, n]** -  $m$  матрицанинг  $n$ -даражасини топишга хизмат қиласди;

**PseudoInverse[m]** -  $m$  квадрат матрицанинг pseudo тескари матрицасини топиш учун хизмат қиласди;

**Transpose [m]** -  $m$  квадрат матрицани транспорнирлаш, яъни устунлар ва сатрлар ўрнини алмаштириш учун хизмат қиласди.

Мисоллар:

```
In[1]:= IdentityMatrix[3]
Out[1]= {{1, 0, 0}, {0, 1, 0}, {0, 0, 1}}
In[2]:= MatrixForm[%]
Out[2]//MatrixForm<=
\!\(\begin{array}{ccc} 1 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 1 \end{array}\)
In[3]:= MatrixExp[%]
Out[3]= {{e, 0, 0}, {0, e, 0}, {0, 0, e}}
In[4]:= MatrixQ[%]
Out[4]= True
In[5]:= m := {{1, 2}, {3, 4}}
In[6]:= MatrixForm[m]
Out[6]//MatrixForm<=
\!\(\begin{array}{cc} 1 & 2 \\ 3 & 4 \end{array}\)
In[7]:= Det[m]
Out[7]= 2
In[8]:= Inverse[m]
Out[8]= {{(x - y)/z, -(x - z)/y}, {(y - z)/x, -(y - x)/z}}
In[9]:= m = {{1, 2}, {3, 4}}
Out[9]= {{1, 2}, {3, 4}}
In[10]:= Transpose[m]
Out[10]= {{1, 3}, {2, 4}}
```

## Чизиқлы алгебраик тенгламалар системасини ечиш

Чизиқлы алгебраик тенгламалар системасини (ЧАТС) ечишга доир мисоллар билан танишамиз. Биринчи навбатда ЧАТС ни символли ечиш билан танишамиз. Бунда  $A\bar{X}=B$  күрнишдаги тизимнинг ечимини  $\bar{X}=A^{-1}B$ , күрнишда излашда **Dot** ва **Inverse** функциялардан фойдаланамиз:

```
In[69]:= A := {{a, b}, {c, d}}
B := {e, f}
Dot[Inverse[A], B]
Out[71]= {de - b f / (-b c + ad), ce - a f / (-b c + ad)}/(-b c + ad)

In[72]:= MatrixForm[%]
Out[72]//MatrixForm=

$$\begin{pmatrix} \frac{de}{-bc+ad} - \frac{bf}{-bc+ad} & \frac{ce}{-bc+ad} + \frac{af}{-bc+ad} \\ \end{pmatrix}$$

```

Иккинчи навбатда эса тизимни сонли функциясидан фойдаланамиз:  
ешишда **LinearSolve** функциясидан фойдаланамиз:

```
In[75]:= LinearSolve[{{a, b}, {c, d}}, {x, y}]
Out[75]= {dx - by / (-bc + ad), cx - ay / (-bc + ad)}

In[76]:= LinearSolve[{{1, 2}, {3, 4}}, {5, 6}]
Out[76]= {-4, 9/2}

In[77]:= MatrixForm[%]
Out[77]//MatrixForm=

$$\begin{pmatrix} -4 \\ \frac{9}{2} \end{pmatrix}$$

```

Энди комплекс коэффициентли ЧАТС ларни ечиш усули билан танишамиз:

```

In[32]:= A = {{1 + 2 i, 2 + 3 i}, {3 + 4 i, 4 + 5 i}}
In[37]:= B = {2 i, 3}
X = LinearSolve[A, B]
Out[28]= {6 + i - 10 i^2, -3 + 8 i^2} / 2 (1 + i)^2

```

«Wolfram Mathematica» компьютерли математик пакетидаги башқа функциялар билан фойдаланувчилар учун мүлжалланган чизиқли алгебра масалаларини ечиш учун мүлжалланган кенгайтирилган пакетдан фойдаланиш мумкин.

**Турли хил тенгламаларни «WOLFRAM MATHEMATICA» да ечиш усуллари.** Алгебраик тенгламаларни символли ечиш. «Wolfram Mathematica» компьютерли математик пакетида тенгламаларни сонли ва символли ечиш учун асосан **Solve[eqns, vars]** ва **Solve[eqns, vars, elims]** номли функциялар құлланилади. Бу ерда, **eqns**- тенгламанинг ёки тенгламалар системасининг күриши; **vars**- ўзгарувчилар ҳамда **elims** - шарт, яъни ўзгарувчилар.

Бунда **elims** да **vars** ўзгарувчиларнинг бир қисми, яъни ечими талаб қилинмайдын ўзгарувчилар күрсатилади. Күрсатиладын параметрлар **vars** ёки **elims** рўйхат кўринишида ёки **&&** символ орқали бирлаштирилган ифодалар кўринишида бўлиши мумкин. Тенгламаларни ифодалайдиган эқанс да эса тенглик белгиси сифатида **- ==** белгилар кетма-кетлиги ишлатилади. Билдирилган фикрларни куйида келтирилган мисолларда янада яққолроқ тушуниб олиш мумкин.

**Мисоллар:**

```

In[22]:= Solve[2 x^2 - 5 x - 10 == 0, x]
Out[22]= {{x > 1/4 (5 - Sqrt[105])}, {x > 1/4 (5 + Sqrt[105])}}
In[23]:= Solve[{x^2 + y^2 + z == 5, x y + z == 2, x + y + z == 3}, {x, y, z}]
Out[23]= {{x -> 0, y -> 1, z -> 2}, {x -> 0, y -> 2, z -> 1}, {x -> 3, y -> -1, z -> 1}, {x -> 3, y -> 1, z -> -1}}

```

Йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни олдини олиш учун олинган ечимларнинг қийматларини тенгламаларга қўйиб текшириш мумкин. Масалан, содда ва ечими аниқ бўлган қўйидаги тенгламалар системасини ечиш алгоритми билан танишайлик.

```

In[94]:= x y == 6
           x^2 + y == 7
eqns = {x y == 6, x^2 + y == 7}
result = Solve[eqns, {x, y}]

Out[94]= x y == 6
Out[95]= x^2 + y == 7
Out[96]= {x y == 6, x^2 + y == 7}

Out[97]= {{y == -2, x == -3}, {y == 3, x == 2}, {y == 6, x == 1}}

In[98]:= eqns /. result
Out[98]= {True, True}, {True, True}, {True, True}

```

Бу тизимни ечганда «Wolfram Mathematica» бир вақтнинг ўзида 3 та жуфтлик ечими олишга имкон берди. Олинган ечимларни берилган тенгламалар системасига қўйганимизда айниятга эга бўлганимизни «Wolfram Mathematica» `True` –рост жавоби орқали исботлайди.

**Дифференциал тенгламаларни символли ечиш.** Дифференциал тенгламаларни символли ечиш учун, асосан, қўйидаги функциялардан фойдаланилади:

`DSolve[eqn, u[x], x]` - боғлиқсиз ўзгарувчи  $x$  бўйича  $u[x]$  функцияга нисбатан экан дифференциал тенгламанинг ечимини излайди;

`DSolve[{eqn1, eqn2, ...}, {u1[x1, ...], ...}, {x1, ...}]` - дифференциал тенгламалар системасини ечади;

Мисоллар:

```

In[101]:= DSolve[Derivative[1][y][x] == 2 a x^3, y[x], x]
Out[101]= {{y[x] \rightarrow \frac{a x^4}{2} + C[1]}}
```

```

In[102]:= DSolve[y[x] == Sin[e^x], y[x], x]
Out[102]= {{y[x] \rightarrow Sin[e^x]}}
```

Дифференциал тенгламаларнинг аналитик ечимлари нафақат элементар функцияларни, балки маҳсус математик функцияларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.


**Бир ўзгарувчили функциялар графигини куриш.** PLOT-функция графигини куриш. Иккى ўлчовли  $f(x)$  функциялар кўринишидаги графикларини куришда «Plot» функция ядросидан фойдаланиш қўйидагича:

- **Plot [f, {x, xmin, xmax}]**— x аргументли  $f(x)$  функция графигини x min дан x max гача бўлган оралиқда ортга қайтаради.
- **Plot [{f1, f2,...}, {x, x min, x max}]**— объектни  $f_1$ ,  $f_2$  функциялари график кўринишида ортга қайтаради.

«Plot» функцияси кўрсатилган функцияни график тақсимотини берувчи битта чизиқ ёки бир нечта чизиқни куриш учун қўлланилади. Берилган функцияларнинг графикларини куришда кўрсатилган  $f$ ,  $f_1$ ,  $f_2$  ва ҳоказо каби берилганда бир нечта чизиқларни биргаликда куриш мумкин.

У ерда сийрак ҳолда тасвирланган бўлиб, уни вертикал ҳолатда тизимни ўзгартириш натижасида муваффақиятсиз кўриниб қолади. Кенгрок Plot функциясини бошқа яна қулай бўлган жиҳатлари ҳам мавжуд

Берилган топшириқни фойдаланувчи томонидан бажарилишида у эртами-кечми барибир графикни автоматик равишда усул ва параметрига қараб ясади.



«Wolfram Mathematica» да графикни аниқ чизиш учун унинг маҳсус «Опции» функция операторидан функция графигини куриш учун фойдаланиш лозим.

Юқорида қайд этилган рўйхат «Опции» нинг бир нечта турларини беради. Биз энди уни номланиши билан биргаликда кенгроқ танишиб чиқамиз:

- **AspectRatio** - графиклар пропорциясини берадиган баландликнинг эни билан алоқаси .
- **Axes** - тасвирда бўйнинг координаталари билан берилиши. (False-ўқ йўқ, True-ўқларнинг тасвирда мавжудлиги)
- **AxesLabel** - тасвирдаги ўқларнинг белгиланиши {string X, string Y}
- **AxesOrigin** - тасвирнинг ҳисоблаш жараёнида ўқларда амалга оширилиши. (ўқларда нуқталарнинг аксланиши)
- **AxesStyle** - топшириқни бажарилишида ўқни директив ёрдами билан биргаликда бўлиши.
- **Back Ground** - учталик ранглар тизимидан бирини экран фонига бериш.
- **Color Output** - учталик ранглар тизимидан графикни қуриш жараёнида фойдаланиш.
- **DefaultFont** - график қуриш жараёнида текст ёзиш учун ҳарфлар шрифтини танлаш.
- **Frame** - график қуриш жараёнида True ва False билан биргаликда унинг атрофига рамка қуриш.
- **FrameLabel** - график атрофидаги рамкага текст ёзиш, худди шу қаторда графикни соат кўрсаткичи йўналишида қурилиши мобайнида.
- **FrameStyle** - топшириқни бажарилиш жараёнида рамкани директив қатор ёрдамидан фойдаланиш.
- **FrameTicks** - рамкани қуриш жараёнида чизмалар чизиш учун штрихли белгилардан фойдаланиш.
- **GridLines** - чизма учун чизиқлар чизиш.
- **PlotLabel** - титулли ёзувларни бажариш.
- **PlotRange** - қурилаётган бирликни масштаб орқали етказиш.
- **PlotRegion** - қурилаётган бирликни худудини белгилайди.
- **RotateLabel** - координаталар системасида вертикал ўқка нисбатан вертикал символли белгиларни буриш;
- **Ticks** – координата ўқлари учун штрихли белги қуриш буйруги.

Бундан ташқари қаторларни характерлайдиган (тавсифлайдиган) функцияларга құшимча функциялар мавжуд бўлиб, булар:

- **Compiled** – функция ифодасини дастур тилига компиляция қиласди.
- **MaxBend** – дастурда ифодаланган график бўйича ҳосил бўлган эгри чизик эгрилиги.
- **PlotPoints** – курилаётган объектнинг ўша эгаллаган юзадаги нуқталари сонини аниқлади.
- **PlotStyle** – чизик ва нуқталарнинг графигини тасвирлашдаги услубни танлаш имконини беради. 2-расм Функция графигини штрихли тасвири

2-расм Функция графигини нуқталар билан белгилаб тасвири





График тасвирлайдиган опциядаги `name` номланиши күринишини `value` га ўзгартиради.

`name -> value` бир қанча символлик ифодаланувчи математик ифодаларни ёзишда керак бўладиган опциялар.


- **Automatic** – ёзилаётган математик ифоданинг автоматик дастурга қабул қилиниши.

Кўпчилик опциялар рақамли ифодалашни улдасидан чиқади.

Бизга тасвирида кўриниб турибдики, бу синусоидаграфигини тасвириш учун катта муаммо тутдирмайди. Лекин биз уни масштаблаб ҳам катта-кичикликда кўришимиз ёки тасвирлашимиз мумкин. Бунинг учун бизга `PlotRange` опцияси ёрдам беради.


Юқорида қайд қилинган опциялар орқали шунчаки координата ўқлари ва функция графигини тасвирида оддийгина кўриш мумкин бўлса, бундан ташқари координата ўқлари (хва у) дан ташқари функция графигини устига графикни математик ифодасини ҳам ёзиш мумкин. Бунинг учун бизга `AxesLabel` опцияси ёрдам беради. Шундан сўнг унинг рўйхатини кўрсатиб беради, ўзида 2 та ёзувни сақлади: биринчиси `x` ўқи учун ва иккинчиси эса у ўқи учун. Ёзувлар албатта «« (қўштириноқ) ичидаги бўлиши шарт.

3-расм координата ўқларининг номланиши билан тасвири



`Axes` сининг `None` параметри орқали координата ўқларини йўқ қиласди.

Масалан: 4-расм координата ўқларсиз график тасвири



Худди шу функциянынг ўзини бир қанчасини, яйни косинусида функцияга боғлиқ бўлган бу функцияни аргументига 1 дан 3 гача бўлган қийматлар қўйиб барчасини битта координата системасида бир оила қилиб ифодалаш ҳам мумкин. Бу эса қўйидагича ўз аксини топади. Бунинг учун барча графикни ҳар хил рангда кўриш қулайлигини дастурнинг ўзи бажаради. Бу нарсага фойдаланувчи алоҳида буйруқ бериши шарт эмас. З хил рангни дастур (кўк, яшил, қизил,) ўзи таъминлаб беради ва қўйидагича ўз аксини топади.

## **2.5. Касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари интеграциясидан фойдаланиб масалаларни ечиш имкониятлари**

Касбий фанлар ва информатика ва ахборот технологиялари сифатида фойдаланилаётган дастурлаш тиллари ёрдамида математик масалаларни ечишда фойдаланиш бўйича айrim жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

1.  $\pi$  сони ва унинг тақрибий қийматини ҳисоблаш масаласи. Алгебра ва геометрия курсларининг масалаларни ечишдаги тадбиқи пи сони ва унинг тақрибий қийматини ҳисоблаш масаласи информатика ва ахборот технологияларининг дастурлаш тиллари ёрдамида фойдаланиш жараёнини қараб чиқамиз. Айланада узунлигининг диаметрига нисбатини қадимги греклар  $\pi$  ҳарфи билан белгилаганлар. Унинг кўп асрлик тарихи эса математика

ривожланишининг асосий босқичларини ўзида акс эттиради. Бу сирли сонни ҳисоблашнинг юзлаб усуллари таклиф этилган, улар қаторида доиранинг классик квадратурасини ҳисоблаш билан боғлиқ, шунингдек,  $\pi$  сонини рационал каср кўринишида ифодалашга уринишлар бор эди. Ҳозирги вақтда  $\pi$  сонини тақрибий ҳисоблашнинг жуда кўп усуллари маълум, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам талабаларга тушунарли ва қулай эмас. Масалан, Р.Р.Сулейманов, « $\pi$  сонини ҳисоблаш» мавзусини дарс-конференция мавзуси сифатида танлаган ва талабаларга қўйидаги усулларни ўрганишни таклиф этади; оддий ўлчаш, тарозига тортиш ёрдамида ўлчаш, ярим доирага ички чизилган тўғри тўртбурчак юзларини қўшиш; Монте-Карло усули;  $\pi$  сонини Тейлор қатори ёрдамида ҳисоблаш. Кўп усулларни у тажриба ўтказиш кўринишида баён этишни таклиф этади. Келтирилган усулларнинг турли хиллиги математиканинг турли бўлимларга мурожаат этиш, информатика дарсларида олинган билим ва кўнкимларни қўллаш ва  $\pi$  сонини ҳисоблаш усуллари хақида умумий тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Аммо, шу билан бирга қатъий исботланган база йўқ [83].

$\pi$  сони қийматини берилган аниқликда тақрибий ҳисоблаш усулларини қараб чиқамиз ва уларнинг асоси сифатида қўйидагиларни оламиз:

Агар,  $|a - b| \leq \varepsilon$  бўлса, у ҳолда  $b$  сони  $a$  сонининг  $\varepsilon$  аниқликдаги тақрибий яқинлашиш қиймати бўлади.

Яқинлашишларни топиш асосан икки усулда амалга оширилади.

1)  $a$  сонга  $C_n$  ( $C_n \leq a$ ) ками ва  $d_n$  ( $d_n \geq a$ ) ортиғи билан  $d_{n_0} - C_{n_0} \leq t$  шартни қаноатлантирувчи  $n_0$  кетма-кет яқинлашишларни ҳисоблаш алгоритми шакллантирилади. У ҳолда  $d_{n_0} - C_{n_0}$  айрма  $a$  соннинг  $t$  аниқликдаги яқинлашиши бўлади.

2)  $|a_n - a| \leq t_n$ , ( $n \in N$ ) тенгсизликлар системаси келтириб чиқарилади.  $\{t_n\}$  кетма-кетлик эса  $n$  чексиз ўсганда нолга интилади,  $n \rightarrow \infty$  да  $t_{n_0} \leq t$  тенгсизликни қаноатлантирувчи  $n_0$  гача бажариладиган  $t_n$  сонини ҳисоблаш алгоритми тузилади.  $a_{n_0}$  сони  $a$  сонининг  $t$  аниқликдаги яқинлашиши бўлади.


$\pi$  сони тақрибий қийматини ҳисоблашда иккала усулни ҳам қараб чиқамиз. Бунда  $\pi$  сони айлана узунлигининг диаметрига нисбати сифатида киритилади, айлана узунлиги эса кўпбурчак

томонлари сони чексиз ошиб борганда айланада ичига чизилган түғри күпбұрчаклар периметрлари кетма-кетликлари лимитига тенг.

Маълумки, агар  $P_n$  - айланага ички чизилган  $n$ -бұрчак периметри,  $a_n$  - айланага ташқи чизилган  $n$ -бұрчак периметри,  $l$  - айланада узунлиги бўлса, у ҳолда барча  $n \in N$  ларда  $P_n < l < a_n$  тенгсизлик ўринли.

$\pi$  сони яқинлашишларини хисоблаш алгоритмларини шакллантириш учун  $P_{2n}$  ва  $a_n$  ларни радиуси  $\frac{1}{2}$  га тенг  $P_n$  айланада орқали ифодалаймиз. У ҳолда  $l = \pi$  бўлади.

Фараз қиласын,  $AB$  - радиуси  $\frac{1}{2}$  га тенг айланага ички чизилган  $n$ -бұрчак томони,  $O$  - айланада маркази бўлсин  $OC \perp AB$ ;  $A, B \parallel AB$  бўлганлиги  $A_1B_1$  - кесим айланада  $OC$  нур кесишган нуқта  $C$  орқали ўтади (1-расм).



1-расм.  $\pi$  сонини хисоблаш усулининг геометрик тасвири

Демак,  $A_1B_1$  - айланага ташқи чизилган  $n$ -бұрчак томони  $\Delta OAC$  ва  $\Delta OA_1C_1$  учбуручакларнинг ўхшашлигидан

$$\frac{A_1C_1}{OC_1} = \frac{AC}{OC}, OC_1 = \frac{1}{2} \text{ ни топамиз. У ҳолда } A_1B_1 = \frac{AB}{2OC}.$$

Пифагорга кўра теоремаси бўйича,

$$OC = \sqrt{OB^2 - CB^2} = \sqrt{\frac{1}{4} - \frac{AB^2}{4}} = \frac{1}{2}\sqrt{1 - AB^2} = \frac{1}{2}\sqrt{1 - \frac{P_n^2}{n^2}} \text{ ни}$$

хосил қиласиз. Бундан эса,

$$Q_n = n \cdot A_1B_1 = \frac{P_n}{\sqrt{1 - \frac{P_n^2}{n^2}}} \text{ ни топамиз.}$$

$BC_1$  – айланага ички чизилган түғри  $2n$  бурчак томони. Пифагор теоремасига күра  $BC_1 = \sqrt{CC_1 + BC^2}$ .  $CC_1 = \frac{1}{2} - OC$  ва  $OC = \frac{1}{2}\sqrt{1 - AB^2}$  бўлгани учун  $BC_1 = \sqrt{2 - 2\sqrt{1 - AB^2}}$  эга бўламиз. Умумий илдиз остидаги ифодани тескарисига кўпайтирамиз ва бўламиз ва натижада

$$BC_1 = \frac{AB}{\sqrt{2 + 2\sqrt{1 - AB^2}}}$$

га эга бўламиз.


Бундан эса  $P_6 = 3$  га teng эканлигини ҳисобга олган ҳолда,

$P_{12}, Q_{12}, P_{24}, Q_{24}, \dots$  ларни  $Q_n - P_n < \varepsilon$  ни қаноатлантирувчи  $n$  гача кетма-кет топиш мумкин.

У ҳолда  $Q_n$  ва  $P_n$  лар  $\pi$  сонининг  $t$  аниқликдаги мос равища ортиги ва ками билан яқинлашишлари бўлади.

Ушбу алгоритмни амалга ошириш мақсадида Паскаль тилида дастур тузилган (program primeri 1).

```
program primer 1;
uses crt;
label1;
var n:integer;
    p,eps,q:real;
Begin
clrscr;
write('e=сонини аниқ қийматини ҳисоблаш');
read(eps);
write('кўпбурчак томонининг қийматларини түғри киритинг
n=');
read(n);
write('p=қийматини киритинг');
read(p);
l:q:=p/sqrt(1-(sqr(p)/sqr(n)));
p:=p/sqrt((1/2)+(1/2)*sqrt(1-sqr(p)/sqr(n)));
n:=2*n;
if (q-p>eps) then goto 1;
writeln('ортиги билан олинган қиймат=',p:15:8);
writeln('ками билан олинган қиймат=',q:15:8);
end.
```



Декарт координаталарининг пайдо бўлиши билан (XVII-аср) эгри чизик тенгламаси бўйича унинг геометрик хоссаларидан фойдаланиш имкони пайдо бўлди, бу эса қуйида баён этиладиган жонини тақрибий қийматларини топиш алгоритмини яратди.

Маркази координата бошида ва радиуси 1 га тенг бўлган айлананинг 1 - чорагида жойлашган ёй узунлиги  $y = \sqrt{1 - x^2}$ ,  $x \in [0; 1]$  кўринишга эга. Ушбу ёй ва координата ўқлари билан чегараланган доира сектори юзи  $\frac{\pi}{4}$  га тенг.

$x_1 < x_2 < x_3 \dots < x_{n+1}$  нуқталар ёрдамида  $[0; 1]$  сегментни  $n$ -та қисмларга ажратамиз.  $x_0 = 0, x_n = 1$  ва  $y_k = \sqrt{(1 - x_{k+1}^2)}$ , ( $k=0, 1, \dots, n$ ) бўлсин.  $y = \sqrt{(1 - x^2)}$  функция  $[0; 1]$  камаювчи бўлгани учун барча  $k = 0, 1, \dots, n-1$  ларда,  $y_k > y_{k+1}$  ўринли. Демак,  $x = x_k$  ва  $x = x_{k+1}$  тўғри чизиқлар билан чегараланган сектор қисми юзи ва баландлиги  $y_k$  га тенг тўғри тўртбурчак юзи  $D_k$  дан кичик, аммо шу асос ва баландлиги  $y_{k+1}$  га тенг тўғри тўртбурчак юзи  $S_k$  дан катта.

$x = x_{n-1}$  ва  $x = x_n$  тўғри чизиқлар билан чегараланган сектор юзи асоси  $[x_{n-1}, x_n]$  ва баландлиги  $y_{n-1}$  га тенг тўғри тўртбурчак юзидан кичик, аммо унинг ярмидан катта, шунинг учун  $\forall n > 1$  да

$$S_n = \sum_{k=0}^{n-1} \sqrt{1 - x_{k+1}^2} (x_{k+1} - x_k) + \frac{1}{2} \sqrt{1 - x_{n-1}^2} (x_n + x_{n-1}) < \frac{\pi}{4} <$$

$$\downarrow < \sum_{k=0}^{n-1} \sqrt{1 - x_k^2} (x_{k+1} - x_k) = D \quad (1)$$

га тенгсизлик ўринли бўлади.

$4S_n$  ва  $4D_n$  лар эса  $n$  чексиз ўсганда  $\pi$  сонига яқинлашади.

Агар сегментни  $n$  та тенг қисмларга ажратиб  $h = \frac{1}{n}, x_k = kh$  ( $k = 1, 2, \dots, n$ ) ва  $[x_{n-1}, x_n]$  катетли учбурчак юзи асоси  $[x_{n-2}, x_{n-1}]$  га тенг учбурчак юзининг ярмига тенг деб фараз қилинса, у ҳолда  $\forall n > 2$  да қуидаги тенгсизлик ўринли бўлади.

$$S_n = h \left( \sum_{k=1}^{n-2} \sqrt{1 - x_k^2} + \frac{3}{2} \sqrt{1 - x_{n-1}^2} \right) < \frac{\pi}{4} <$$

$$h \left( \sum_{k=1}^{n-2} \sqrt{1 - x_k^2} + \sqrt{1 - x_{n-1}^2} \right) = D_n \quad (2)$$

(2) тенгсизликнинг чап қисми ўнг томонидан шуниси билан фарқ қиласдики, унинг кўпайтувчиларидан бирида кўшиловчи сифатида 1 йўқ, иккинчи кўшиловчи эса  $\frac{3}{2}$  кўпайтувчига эга.

$S_n - D_n$  айрма бўялган тўртбурчак ва учбурчак юзалари йиғиндисига тенг.(11-расм). Бу йиғинди  $h(1 - \frac{1}{2} \sqrt{1 - x_{n-1}^2})$  га тенг.


Шундай қилиб,  $\frac{\pi}{4}$  ни  $D_n - S_n = h \left( 1 - \frac{1}{2} \sqrt{1 - x_{n-1}^2} \right) = h \left( 1 - \frac{1}{2} \sqrt{1 - \left( \frac{n-1}{n} \right)^2} \right)$  дан катта бўлмаган Т ҳатолик билан аниқлаш мумкин экан, яъни

$$\frac{1}{2n} \left( 2 - \sqrt{1 - \left( \frac{n-1}{n} \right)^2} \right) < T \quad (3)$$

га эга бўламиз.

Демак,  $\pi$  сони (3) тенгсизликни қаноатлантириши керак.

Юқорида келтирилган  $\pi$  сонининг тақрибий қийматларини ҳисоблаш усулиниң аҳамияти шундан иборатки, уни қўллашда интегралли йигиндилар ҳосил бўлади.



## 2-расм. $\pi$ сонини ҳисоблаш алгоритмининг шаклланишининг геометрик тасвири

Юқорида баён этилган алгоритм  $\pi$  сонини берилган аниқликда ҳисоблаш дастурини тузиш имконини беради, матни 1-иловада келтирилган.

XVII аср охирларида, математик таҳлилнинг жадал ривожланиши натижасида  $\pi$  сонини тақрибий ҳисоблашларнинг самаралироқ усуллари пайдо бўлди, улардан бирини келтирамиз.

$|x| < 1$  шартда  $y = \frac{1}{1+x^2}$  функцияни қараб чиқамиз. Барча x лар учун  $\frac{1}{(1+x^2)}$  - ифода камаювчи чексиз геометрик прогрессиянинг йифиндиси, (биринчи ҳади 1 га, маҳражи  $-x^2$  га тенг). Прогрессиянинг биринчи n та ҳади йифиндиси

$$S_n(x) = 1 - x^2 + x^4 - \dots (-1)^{n-1} x^{2(n-1)} = \frac{(1-x^{2n})}{(1+x^{2n})} \text{ га тенг}$$

У ҳолда

$$\left| \frac{1}{(1+x^2)} - S_n(x) \right| = \frac{x^{2n}}{(1+x^2)} \leq x^{2n}$$

$$-x^{2n} \leq \frac{1}{(1+x^2)} - S_n(x) \leq x^{2n} \text{ бўлади.}$$

Бундан эса

$$|\pi - a_n| \leq t_n, \text{ бунда}$$

$$\int_0^{\frac{1}{\sqrt{3}}} x^{2n} dx \leq \int_0^{\frac{1}{\sqrt{3}}} \left( \frac{1}{(1+x^2)} \right) - S_n(x) dx \leq \int_0^{\frac{1}{\sqrt{3}}} x^{2n} dx$$

келиб чиқади.

$$\int_0^{\frac{1}{\sqrt{3}}} \frac{dx}{(1+x^2)} = arctgx \Big|_0^{\frac{1}{\sqrt{3}}} = \frac{\pi}{6}$$

Эканлигини эътиборга олиб,

$$\begin{aligned} \int_0^{\frac{1}{\sqrt{3}}} S_n(x) dx &= x - \frac{x^3}{3} + \dots + (-1)^{n-1} \frac{x^{2n-1}}{2n-1} \Big|_0^{\frac{1}{\sqrt{3}}} = \\ &= \frac{1}{\sqrt{3}} \left( 1 - \frac{1}{3 \cdot 3} + \dots + (-1)^{n-1} \frac{1}{3^{n-1} (2n-1)} \right) = \\ &= \frac{1}{\sqrt{3}} \sum_{k=1}^n \frac{(-1)^{k-1}}{(3^{k-1} (2k-1))} = S_n \end{aligned}$$

ва

$$\int_0^{\frac{1}{\sqrt{3}}} x^{2n} dx = \frac{x^{2n+1}}{(2n+1)} \Big|_0^{\frac{1}{\sqrt{3}}} = \frac{1}{\sqrt{3}} \left( \frac{3^n}{(2n+1)} \right) = l_n.$$

Ларга эга бўлган ҳолда охирги тенгсизлиқдан

$$\left| \frac{\pi}{6} - S_n \right| \leq l_n$$

ни ҳосил қиласиз.

Шундай қилиб, барча  $n \in N$  лар учун  $|\pi - a_n| < b_n$  тенгсизлик учун ўринли. Бунда  $a_n = 6S_n$ ,  $t_n = 6l_n$ .

Ушбу алгоритмни амалга оширишнинг Паскал тилидан дастури қуидагича:

Демак, қуидаги рекурент муносабатлар ўринли

$$a_{k+1} = -a_k \frac{2k-1}{3(2k+1)}, a_1 = \frac{1}{\sqrt{3}}$$

$$l_{k+1} = l_k \frac{2k+1}{3(2k+3)}. l_1 = \frac{1}{9\sqrt{3}},$$

$\pi$  сонини ҳисоблаш усулларини күпхиллилиги талабаларни нафақат математиканинг бўлимларига, балки физика, информатика фанлари бўлимларига ҳам мурожаат қилишга ундейди. Чунки,  $\pi$  сони айлана узунлигига алоқаси бўлмаган табий фанларнинг турли соҳаларида ҳам қўлланилади.

Талабалар сеҳрли  $\pi$  сони қийматини берилган аниқликда ҳисоблаш кўнникмасига эга бўлиши орқали уларнинг нафақат математикага фан сифатида қизиқиши ортади, балки дунёкарош чегаралари ва фикрлаш доираси кенгаяди.  $\pi$  сонини қийматларини ҳисоблаш масаласи нафақат математикани ривожланиш босқичларини акс эттиради, балки математик масалаларни ахборот технологиялари воситалари ёрдамида ечишга янги ёндашувларни кўрсатиш имконини беради.

$\pi$  сони қийматини ҳисоблаш ҳақидаги масала яна бир сон, яъни иррационал сон, яъни –  $e$  нинг қийматини ҳисоблаш масаласини кўйиш фикрига туртки бўлади. Бундан ташқари А.Ямпольский таъкидлашича,  $\pi$  ва  $e$  иррационал сонлар ўзаро кутилмаган ва муносабатлар орқали ўзаро бир-бири билан боғлик экан [109];

$$\begin{aligned}\pi^e &= e^\pi; \\ \pi^e e^2 &= e^\pi; \\ \frac{\pi^2 + e^2}{\pi^3 - e^3} &= \frac{\pi}{2}; \\ \sqrt{\sqrt{\pi^\pi} + \sqrt{e^e}} &= \pi.\end{aligned}$$

Информатика методлари шу муносабатларга мос геометрик образларни кўргазмали намойиш этиш билан барча шунга ўхшаш янги муносабатларни уларни амалга оширувчи алгоритмлари комбинациялари орқали ҳосил қилиш имконини беради. Ушбу холат иррационал сонлар ва математика курсида керакли хажмда ёритилмаган, етарлича исбот базасига эга бўлмаган тенгламаларнинг маъносини чукур тушуниш имконини беради.

**2.  $e$  сонини аниқлаш ва уни тақрибий ҳисоблаш ҳақида масала.** Касбий фанлар (математик таҳлил) да  $e$  сони берилган аниқликда ҳисоблаш учун информатика ва ахборот технологияларининг воситалари ёрдамида унинг қийматини аниқ кўрсатиш ва функцияларни дифференциаллаш

**қоидасидан келиб чиққан ҳолда интегратив ёндошув асосида қийматини ҳисоблашни күриб чиқамиз.**  $e$  сонини берилган аниқлиқда ҳисоблаш  $\pi$  сонини ҳисоблаш масаласи каби назарий ва амалий аҳамиятга эга ва қизиқарли масаладир. Яъни, бу масала нафақат осон алгоритмланиди ва дастур орқали амалга оширилади, балки  $\pi$  ва  $e$  сонларининг маъносини ягона (геометрик) нуқтаи-назардан тушунишли чукурлаштириш имконини беради.

Шу билан бирга  $e$  сонини аниқлашда ва  $e^x$  функцияни дифференциаллаш қоидасини келтириб чиқариш учун зарур бўлган

$$\lim_{x \rightarrow 0} \frac{e^x - 1}{x} = 1 \quad (4)$$

ни асослашда тенгизликтини асослашда асосий қийинчилик пайдо бўладиган кўрсаткичли функцияни ўрганиш соддалашади. Бу қийинчилик турли ўкув кўлланма ва услубий кўрсатмаларда турлича бартараф этилади. Леднев В.С [60], Алимов Ш.А. [9], Кузнецов А.А [61], Фадеев Д.К., Ляшенко Н.Н., Никулин М.С., Соколинский И.Ф. [82], Оксман В.М. [72], Ладыженская Н.В., Зюкина З.С. [57], Лебедова М.Б.[59], Соколова Е.И. [59], Подласый И.П. [77].

[61] да  $e$  сони ва  $e^x$  функция  $a^x$  функцияни  $a=2,3,10$  лар учун графикларини ва абсциссаси 0 га тенг нуқталардаги уринмаларини қараш асосида киритилган. Бу мисолдан, талабалар шундай  $e$  орқали белгиланувчи сонининг мавжудлиги хақида хулоса қилишлари керак,  $a$  сони учун берилган нуқтадаги уринманинг  $Ox$  ўқи билан  $45^\circ$  ли бурчакни ҳосил қиласди. Ўша қўлланмада  $e$  сони куйидаги қатор йигиндиси сифатида аниқланган, яъни


$$e = 1 + \frac{1}{1} + \frac{1}{1 \cdot 2} + \frac{1}{1 \cdot 2 \cdot 3} + \dots + \frac{1}{1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot \dots \cdot n} + \dots \quad (5)$$

$(e^x)' = e^x$  тенглик постулат сифатида қабул қилинган. [89] да эса  $e$  сонини логарифмик функциянинг узлуксизлигидан келиб чиққан ҳолда киритиш таклиф этилади. Бу усулни амалга ошириш жуда қийин, чунки жуда жиддий, бундан ташқари [25] ва [89] ларда қабул қилинган таърифлар, информатика дарсларида  $e$  сонини берилган аниқлиқда ҳисоблаш алгоритмларини тузиш имконини бермайди.  $e$  сонини киритиш учун компьютерни қўллаш

таклиф этилади. Бу усулнинг кўргазмалилигига қарамасдан, уни эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

Ушбу материални баён этиш тажрибаси, шуни кўрсатадики *e* сони «геометрик» таърифи (масалан, [42] ва [43]) бу камчиликлардан ҳоли. Бу таъриф талабаларга тушунарли бўлган тенглик исботини бериш имконини беради ва унинг асосида эгри чизиқли трапеция юзини кўпбурчаклар юзалари билан яқинлаштириш усули ва *e* сонининг тақрибий қийматларини ҳисоблаш алгоритмини тузиш ётса ҳам функция лимитининг таърифини билишини талаб этмайди. Буни *e* сони таърифини эслатган ҳолда қараб чиқамиз.

Тўғри бурчакли координата системасида  $y = \frac{1}{x}$  функция графигини ясаймиз,  $Ox$  ўқи ва  $Oy$  ўқни 1 ва  $x$  нуқталарда кесиб ўтувчи  $Oy$  ўқга параллел тўғри чизиқлар билан чегараланган эгри чизиқли трапеция юзига тенг деб фараз қилинадиган, яъни  $S(x)$  функцияни аниқлаймиз.  $S(x)$  функция ўсуви, чунки  $S(2)$  юзага тенг бўлган  $ABCD$  квадратининг юзидан кичик,  $S(4)$  юзаси 1 га тенг бўлган бўялган кўпбурчакнинг юзидан катта (3-расм). У ҳолда  $S(e)=1$  бажарилган шундай *e* орқали белгиланадиган  $x$  сон топилади.



3-расм. *e* –сони таърифининг геометрик талқини

(4) тенглик исботини уч босқичга ажратамиз:

